




USAID
AMERIKA XALQIDAN



ГЕНДЕР-ҲУҚУҚИЙ
ЭКСПЕРТИЗА БЎЙИЧА
АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА



ПРАКТИЧЕСКОЕ РУКОВОДСТВО
ПО ПРОВЕДЕНИЮ
ГЕНДЕРНО-ПРАВОВОЙ
ЭКСПЕРТИЗЫ

Ушбу қўлланма Ўзбекистон Республикасида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бўйича амалий йўриқнома ҳисобланади.

Қўлланма амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда уларнинг лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш сифатини ошириш, шунингдек, мутахассислар ўртасида бундай экспертиза моҳиятини бир хил тушунишга эришиш ва эксперт фаолиятида тегишли стандартларни тўғри қўллаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Қўлланмада экспертизанинг батафсил тавсифи, унинг мақсадлари, тамойиллари, предмети, объектлари ва субъектларининг таърифи, шунингдек, экспертиза ўтказиётган шахслар жавоб бериши лозим бўлган аниқ саволлар берилган.

Мазкур нашр АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) орқали кўрсатилган Америка халқининг ёрдами асосида яратилган. Маҳсулот мазмуни бўйича масъулият Tetra Tech DPK га юклатилади ва USAID ёки АҚШ ҳукумати расмий нуктаи назарини ақс эттириши шарт эмас.

МАСЪУЛ МУҲАРРИР:

Фозилжон Отахонов – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти директори, юридик фанлар доктори, профессор

МУАЛЛИФЛАР:

Малика Қодирхонова – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси

Гулноза Саттарова – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти бўлим бошлиғи, юридик фанлар номзоди

Отабек Иззатиллаев – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Девонининг Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўлими мудир

USAIDнинг Ўзбекистондаги Ҳуқуқий ислоҳотлар дастури доирасида тайёрланган.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	5
АТАМА ВА ТАЪРИФЛАР	7
I БОБ. ГЕНДЕР-ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРТИЗАНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ	10
Гендер-ҳуқуқий экспертиза нима учун керак?.....	10
Гендер-ҳуқуқий экспертизанинг мақсади	11
Гендер-ҳуқуқий экспертизанинг вазифалари.....	13
Гендер-ҳуқуқий экспертиза объекти ва субъектлари	14
II БОБ. ГЕНДЕР-ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРТИЗАНИНГ ПРИНЦИПЛАРИ	16
Мажбурийлик.....	16
Қонунийлик.....	16
Мустақиллик	17
Объективлик.....	18
Комплекс ёндашув.....	19
III БОБ. ГЕНДЕР-ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРТИЗАНИ ЎТКАЗИШ ТАЛАБЛАРИ	21
1-талаб	22
2-талаб	32
3-талаб	38
IV БОБ. ГЕНДЕР-ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРТИЗАНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ВА БОСҚИЧЛАРИ	39
V БОБ. ЭКСПЕРТИЗА ХУЛОСАСИ МАЗМУНИ ВА ШАКЛЛАНТИРИЛИШИ	49
Иловалар (жадваллар, диаграммалар)	50

ҚИСҚАРТМАЛАР РЎЙХАТИ

XMT	Халқаро меҳнат ташкилоти
НХХ	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат
БМТ	Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
БМТТД	Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури
USAID LRP	USAIDнинг Ўзбекистонда қонунчиликни ислоҳ қилиш дастури
БРМ	Барқарор ривожланиш мақсадлари

КИРИШ

Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири аёллар ва эркакларнинг ҳуқуқ ва имкониятлари тенглигини таъминлашдан иборат. Айти пайтда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини мустаҳкамлаш, жамият ва давлат ҳаётидаги ролини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўтган беш йил давомида соҳага оид қатор қонун ҳужжатлари, жумладан, 2 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6 та Фармон ва қарори, 17 та ҳукумат қарори қабул қилинди.

Барқарор ривожланиш миллий мақсадларига мувофиқ, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларда аёллар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлашга қаратилган 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган тенглик тамойилига мувофиқ барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиши, жинсидан қатъи назар, қонун олдида тенглигини эътиборга олган ҳолда миллий қонунчилигимиз умуман олганда гендер тенглиги тамойилини ақс эттиради. Бироқ шуни тан олиш керакки, тенглик тамойилининг амалда қўлланилиши инсонларнинг жинсидан келиб чиққан ҳолда турлича оқибатларга олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, алоҳида қонунчилик ва идоравий норматив ҳужжатларда ҳар доим ҳам ушбу тамойилни амалга оширишни таъминлаш механизмлари мавжуд эмас, улар эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги ғоясини номигагина ақс эттирган. Шунингдек, баъзи ҳуқуқий нормаларда жинслардан бирига аниқ ёки яширин афзалликлар берилиши мумкин ва бу гендер камситиш ҳисобланади.

Гендер тенглиги нафақат ҳуқуқларнинг тенглигини назарда тутати, балки эркаклар ва аёллар ҳуқуқларини амалга оширишда тенг имкониятларни, шунингдек, натижалар тенглигини таъминлаш орқали уларнинг тенг мақомини ўрнатишга қаратилган.

Гендер тенглиги тамойилини ҳуқуқий таъминлаш билан боғлиқ муаммо “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида назарда тутилган қонунчиликни гендер экспертизадан ўтказиш йўли билан ҳал этилиши мумкин.

Қонун ҳужжатлари ва уларнинг лойиҳаларини гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш мажбурий бўлиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳалари қоидалари ўртасидаги гендер тенглик тамойилларига номувофиқликни бартараф этишга, уларни қўллаш жараёнида юзага келиши

мумкин бўлган камситиш характеридаги хавфларни аниқлашга қаратилган¹. Экспертизанинг мақсадларидан бири – қабул қилинган қарорларнинг асоси ва ишончлилигини таъминловчи, шунингдек, гендер соҳасидаги ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ бўлган объектив фактларни аниқлашдир.

НХХнинг гендер-ҳуқуқий экспертизаси, аслида, гендер тенглигини ҳуқуқий таъминлашнинг асосий элементи бўлиб, у умум эътироф этилган ва гендер тенглигини таъминлашга қаратилган халқаро стандартлар ва нормаларнинг миллий қонунчиликка қай даражада татбиқ этилишини ҳам белгилайди.

Гендер-ҳуқуқий экспертиза қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органларининг гендер сезгирлиги даражасини аниқлашда фойдали бўлиб, нафақат тенг ҳуқуқларни, балки аёллар ва эркаклар учун тенг имкониятларни ҳам ўз ичига олган гендерга йўналтирилган адолатли сиёсатни шакллантиришга ёрдам беради.

Ўзбекистон гендер тенглиги бўйича энг ёш қонун ҳужжатларига эга давлатлардан бири бўлгани учун ушбу қўлланмани ишлаб чиқишда гендер ҳуқуқи соҳасида халқаро экспертлар томонидан тавсия этилган ва хорижий мамлакатларда синовидан ўтган усуллардан фойдаланилган.

Мазкур қўлланма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 мартдаги 192-сон қарори билан тасдиқланган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, экспертизани ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тушунтиришлар, тавсиялар, шунингдек, амалий маслаҳатларни ҳам ўз ичига олади. Қўлланмада Низомда қўлланиладиган атамалар ва таърифлар, иштирокчиларга ва экспертизага қўйиладиган талаблар, уни ўтказиш босқичлари ҳамда экспертиза натижалари бўйича тайёрланиши лозим бўлган якуний хулоса ва тавсиялар изчил очиб берилган.

Умид қиламизки, ушбу нашр фойдали ва долзарб бўлиб, Низом билан ишлаш жараёнида пайдо бўлиши мумкин бўлган саволларга жавоб бера олади.

Малика Қодирхонова,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлис Сенатининг
Хотин-қизлар ва гендер тенглик
масалалари қўмитаси раиси

1 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2020 йил 30 мартда қабул қилинган 192-сон қарори. Қаранг: lex.uz/ru/docs/4777291

АТАМА ВА ТАЪРИФЛАР

Гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чоралар – жинсларнинг нотенглигини баргараф этиш, хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳақиқий ёки асос бўладиган тенглигини таъминлаш бўйича аниқ мақсадларга эришиш учун давлат органлари томонидан кўриладиган ҳуқуқий, ташкилий ҳамда институциявий хусусиятга эга чора-тадбирлар;

гендер – хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим ҳамда илм-фан соҳаларида намоён бўладиган ижтимоий жиҳати;

гендер-ҳуқуқий экспертиза – норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда уларнинг лойиҳаларини хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш принципларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил қилиш;

гендер ёндашуви – бу ҳар қандай фаолиятни аёллар ва эркакларга таъсири нуқтаи назаридан баҳолаш жараёни, шу жумладан қонунчилик, барча соҳаларда ва барча даражадаги сиёсат ва дастурларни ўз ичига олади. гендер ёндашуви билан аёллар ва эркаклар манфаатлари барча сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги тадбирлар ва дастурларни режалаштириш, амалга ошириш, мониторинг қилиш ва баҳолашда ажралмас мезонга айланади, шунда аёллар ҳам, эркаклар ҳам тенг имтиёзларга эга бўлишлари мумкин;

гендер тенглиги – аёллар ва эркакларнинг бир хил мақом ва шароитларга, ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятларга эга бўлишларини англатади. Гендер тенглигининг мақсади тарихий камситишларни тuzатиш ҳамда аёллар ва эркакларнинг эҳтиёжлари ҳар хил бўлиши мумкинлигини тан олган ҳолда, аёлларга эркаклар билан тўлиқ тенгликка эришиш имконини берадиган шарт-шароитларни таъминлашдан иборат;

гендер тенгимкониятлар – гендер тенглигига реалэришиш учун зарур бўлган воситалар ва шарт-шароитлар тизими;

гендер адолати – эркак ва аёл ўртасидаги фарқларни тан олган ҳолда ҳамда уларга мослашиб, адолатсиз тенгсизлик ҳолатининг олдини олиш учун жараённинг адолатлилиги ва натижасини таъкидлайди. Адолатни мақсадга эришиш воситаси сифатида тушуниш мумкин, мақсад эса тенгликдир. Адолат тенгликка олиб келади.

гендер статистикаси – давлат статистикасининг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳолати тўғрисида ҳар бир жинс бўйича алоҳида кўрсатилган маълумотларни ўз ичига

олган, ҳар хил жинсдаги шахсларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларидаги тегишли ҳолатини акс эттирадиган, гендер муаммоларини ва жамиятдаги муносабатларни ёритадиган қисми;

гендер стереотипи – эркаклар ва аёллар тўғрисидаги ижтимоий ясама гоёлар, одатда ҳар доим ҳам сексист ёки салбий маънони билдирмайди;

гендер сезгирлиги – бу норма ижодкорлиги жараёнида аёллар ва эркаклар эҳтиёжларининг таъсирини қузатишга ва ҳисобга олишга ёрдам берадиган воситалар тўпламидир;

жинс бўйича бевосита камситиш – жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини тан олмасликка қаратилган ҳар қандай тарзда фарқлаш, истисно этиш ёки чеклаш, шу жумладан оилавий ҳолати, ҳомиладорлиги, оилавий мажбуриятлари туфайли камситиш, шунингдек шахвоний шилқимлик қилиш, тенг меҳнат ва малака учун ҳар хил ҳақ тўлаш;

жинс бўйича билвосита камситиш – бир жинсдаги шахсларни бошқа жинсдаги шахсларга нисбатан ноқулайроқ ҳолатга тушириб қўядиган вазиятларни, ҳолатларни ёки мезонларни яратиш, шу жумладан гендер тенгсизликни оммавий ахборот воситалари, таълим, маданият орқали тарғиб этиш, муайян жинсдаги шахслар учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган шарт-шароитлар ёхуд талаблар белгилаш;

гендер муаммоларини инобатга олиш – бу барча соҳаларда ва барча даражаларда қонунчилик, сиёсат ёки дастурларни ўз ичига олган ҳар қандай режалаштирилган чора-тадбирларнинг эркаклар ва аёлларучун оқибатларини баҳолаш жараёни. Бу аёллар ва эркаклар муаммолари ва тажрибаларини сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги НХҲларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш, мониторинг қилиш ва баҳолашнинг ажралмас қисмига айлантириши керак бўлган стратегия бўлиб, бундай саъй-ҳаракатларнинг самараси натижасида тенгсизликка ўрин қолмайди ва ижобий натижалардан ҳам эркаклар, ҳам аёллар бир хил фойдаланади. Гендер муаммоларини инобатга олиш шунчаки мақсад эмас, балки гендер тенглигига эришиш ёндашувидир.

Чеклист – НХҲ ва уларнинг лойиҳаларида гендер тенглиги бузилиши омиллари аниқлашда фойдаланиладиган намунавий шаклдаги анкета, саволлар рўйхати.

Қуйидагилар жинсий камситиш ҳисобланмайди:

Туғиш ва эмизиш функциялари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдаги фарқларни белгилаш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муддатли ҳарбий хизматга қақириш;

Қонун асосида гендер сиёсатини амалга оширишни таъминлаш бўйича вақтинчалик махсус чора-тадбирларни қабул қилиш;

аёллар ва эркекларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш билан боғлиқ меҳнатни муҳофаза қилиш хусусиятлари;

фақат маълум бир жинсдаги шахсларнинг вазифаларини бажариш имкониятларидан келиб чиққан ҳолда касбий малака бўйича тавсиялар бериш;

қамоқда сақлаш жойларида қамоқда сақлаш, жазони ижро этиш ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини кўриш тартиби ва шартларини тартибга солишда тафовутлар белгилаш;

аёлларнинг жамиятдаги ижтимоий мавқеини мустаҳкамлаш, аёллар ва эркекларнинг тенг ҳуқуқ ва имкониятларини таъминлашга қаратилган ижобий чора-тадбирлар.

I БОБ. ГЕНДЕР-ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРТИЗАНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Қонунчиликда гендер тенглигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий восита норматив-ҳуқуқий актларнинг гендер-ҳуқуқий экспертизаси ҳисобланади. Айнан шу инструмент аёллар ва эркеклар тенглигини ҳуқуқий таъминлашнинг самарали механизмига айланиши мумкин.



ЭКСПЕРТ УЧУН МАЪЛУМОТ

Гендер-ҳуқуқий экспертиза – норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда уларнинг лойиҳаларини хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш принципларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил қилиш.

“Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

Гендер-ҳуқуқий экспертиза нима учун керак?

Аввало, норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва унинг лойиҳаси экспертизаси тушунчасига аниқлик киритиш зарур.

Одатда, бунда махсус ваколатли давлат органининг ёки бундай фаолиятни амалга ошириш юклатилган бошқа ҳуқуқ субъектининг НХХ ёки унинг лойиҳасини экспертиза мақсади билан белгиланадиган мезонларга мувофиқлигини баҳолаш бўйича фаолияти тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунида (25-модда) НХХ лойиҳаси мажбурий ҳуқуқий ва коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилиши белгиланган.

НХХ лойиҳаси ишлаб чиқувчи ёки НХХ қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органнинг қарорига биноан иқтисодий, молиявий, илмий, лингвистик, экологик ва бошқа турдаги экспертизадан ўтказилиши мумкин. Масалан, коррупцияга қарши экспертиза актга унда коррупция омилларининг мавжудлиги нуқтаи назаридан баҳо беради, яъни коррупция келиб чиқиши учун шароит яратадиган қоидалар мавжудлигини текширади.

Қонунчиликда айрим ҳуқуқий нормаларда аёллар ёки эркекларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан аниқ устунликлар ёки чекловлар бўлиши мумкин. Айнан гендер-ҳуқуқий экспертиза ушбу омилларни аниқлаш ва уларнинг олдини олишга қаратилган.

Шуни таъкидлаш керакки, НХХни қабул қилиш жараёнида ташаббускор (қонун чиқарувчи) ҳар доим ҳам унинг эркаклар ва аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини амалга оширишга таъсирини объектив баҳолай олмайди. Ва бу ҳолда гендер-ҳуқуқий экспертиза турли жинслар манфаатларига таъсир килувчи муайян ҳуқуқий ҳужжат қабул қилишдан келиб чиқадиган салбий оқибатларни бартараф этиш воситасига айланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 мартдаги 192-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 7-бандига асосан НХХнинг гендер-ҳуқуқий экспертизасини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (кейинги ўринларда Адлия вазирлиги деб аталади) зиммасига юклатилган.

Бундан ташқари, гендер-ҳуқуқий экспертиза ўтказиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси (ҳозирги кунда Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси) ҳам алоҳида ўрин тутади². Бу ҳақда кейинги бобларда батафсил сўз юритамиз.

Қайд этиш жоизки, гендер-ҳуқуқий экспертиза гендер тенглиги масалаларига оид халқаро стандартлар ва нормаларнинг миллий қонунчиликка қай даражада татбиқ этилишини аниқлаш мақсадида ҳам амалга оширилади.

Қонун ҳужжатлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг гендер-ҳуқуқий экспертизасини ўтказиш амалиётини жорий этиш вақт ўтиши билан вакиллик ва ижро органларининг ҳамда жамиятнинг гендер сезгирлигини жиддий даражада оширади, шунингдек, аёллар ва эркаклар ўртасида тенг ҳуқуқчилик, жавобгарлик ва тенг имкониятларни ҳам ўз ичига олган адолатли гендер сиёсатини шакллантиришга хизмат қилади.

Гендер-ҳуқуқий экспертизанинг мақсади

1

НХХ ёки унинг лойиҳасининг жинси бўйича бевосита ёки билвосита камситиш имкониятини юзага келтиришини, аёллар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатларини таъминлаш тамойилларига мос келмаслигини аниқлаш;

2

Жинси бўйича бевосита ёки билвосита камситиш имкониятини яратувчи НХХ лойиҳасини қабул қилиш оқибатларини умумий баҳолаш;

3

Ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш жараёнида камситиш хусусиятига эга бўлиши мумкин бўлган хавфларни аниқлаш;

4

аниқланган, жинси бўйича бевосита ёки билвосита камситишларга йўл қўядиган меъёрларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш.

2 Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-87-сон Фармони билан Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссиясига ўзгартирилди. Қаранг: lex.uz/docs/5899498.



Хорижий АМАЛИЁТ

Хорижий мамлакатларда “гендер-ҳуқуқий экспертиза” тушунчаси ўрнига “гендер-ҳуқуқий таҳлил”, “гендер таҳлили”, “гендер баҳолаш”, “таъсирни баҳолаш” каби тушунчалар ҳам қўлланилади (1-илова).

НХҚ лойиҳаларининг гендер-ҳуқуқий экспертизаси кўпинча ҳужжатни ишлаб чиқиш ташаббускори бўлган давлат органи, шунингдек, жамоат ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Хорижий мамлакатлар Парламентлари ва ҳукуматлари ҳузурда НХҚ (шунингдек, уларнинг лойиҳалари)нинг амалга оширилаётган гендер сиёсатига мувофиқлигини таҳлил қилувчи ҳамда қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқадиган махсус органлар (комиссиялар, қўмиталар, гуруҳлар ва бошқалар) мавжуд.

Канадада гендер-ҳуқуқий текшируви вазирлик даражасига эга бўлган Канада аёллар идораси томонидан амалга оширилади. Офис аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалалар бўйича барча органлар томонидан келишилган сиёсатни амалга оширишни таъминлаш учун мўлжалланган махсус органдир.

АҚШда гендер тенглиги тамойилларини амалга ошириш ва гендер таҳлилини ўтказиш маҳаллий ҳокимият органлари зиммасига юкланган. Мисол учун, Калифорния штатида, Сан-Францисконинг шаҳар ва округ даражасида CEDAW асосида камситишни аниқлаш ва ҳал қилиш учун профилактика воситаси сифатида гендер таҳлилидан фойдаланишни талаб қилувчи йўриқнома ишлаб чиқилган. Шу муносабат билан округда амалга оширилаётган метъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва гендер сиёсатининг гендер таҳлили билан шуғулланувчи Хотин-қизлар ҳолати бўйича маҳаллий комиссия тузилган.

Францияда парламентнинг ҳар иккала палатасида ҳам қонун ҳужжатлари ва уларнинг лойиҳалари бўйича таклиф ва тавсияларни ўз ичига олган оммавий ҳисоботларни тайёрлайдиган аёллар ҳуқуқлари, эркаклар ва аёллар учун тенг имкониятлар бўйича ишчи гуруҳи мавжуд.


Украинада гендер-ҳуқуқий экспертиза Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади. Шу билан бирга, НХҚ лойиҳаларини ишлаб чиқувчи томонидан гендер-ҳуқуқий экспертиза ўтказишга рухсат этилади.

Беларусияда Вазирлар Кенгаши ҳузурдаги Гендер сиёсати миллий кенгаши гендер сиёсати бўйича қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди ва қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда иштирок этади.

Қозғистонда НХҚ лойиҳалари илмий ва олий таълим муассасалари, шунингдек, ушбу соҳада махсус билим ва тажрибага эга бўлган миллий ва халқаро сертификатланган экспертлар томонидан кўриб чиқилади.

Қирғизистонда гендер-ҳуқуқий экспертиза Президент ҳузурдаги Аёллар, оила ва гендер тараққиёти миллий кенгаши қотибияти қошидаги НХҚнинг Гендер экспертиза комиссияси томонидан амалга оширилади.






Гендер-ҳуқуқий экспертиза ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш воситаси сифатида ишлатилади ҳамда гендер таҳлили ва таъсирни баҳолаш элементларини ўз ичига олади. Гендер-ҳуқуқий таҳлил (гендер-ҳуқуқий экспертиза) тегишли хулоса (тавсиялар) беришни назарда тутади.



Шундай қилиб, гендер-ҳуқуқий экспертиза қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда гендер тенглигининг бузилиши фактларини ўрганиш ва аниқлаш мақсадида амалга оширилади.

Бошқача қилиб айтганда, биз **гендер-ҳуқуқий экспертизани** бевосита ёки билвосита гендер камситишларини аниқлаш ва бундай НХХларнинг келажақда қабул қилинишининг олдини олиш тартиби, деб айтишимиз мумкин.

Гендер-ҳуқуқий экспертизаниннг вазифалари

-  гендер соҳасида қабул қилинган қарорларнинг асосли ва ишончилигини таъминловчи объектив фактларни белгилаш;
-  қонун ҳужжатлари лойиҳалари қабул қилиниши натижасида инсон ҳуқуқлари ва гендер тенглигига риоя этилиши нуқтаи назаридан келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларни таҳлил қилиш ва баҳолаш;
-  НХХ нормалари ва улар лойиҳаларининг гендер тенглиги тамойилларига салбий таъсирини тугатиш (олдини олиш);
-  Гендер тенглигини таъминлаш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш;
-  гендер-ҳуқуқий экспертиза соҳасида махсус билимларни талаб қиладиган масалаларга ойдinлик киритиш.

ГЕНДЕР-ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРТИЗА ОБЪЕКТЛАРИ ВА СУБЪЕКТЛАРИ

ГЕНДЕР-ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРТИЗА ОБЪЕКТЛАРИ:

Қабул қилинган НХХ;
НХХ лойиҳалари.

ГЕНДЕР-ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРТИЗА СУБЪЕКТЛАРИ:

Давлат органи, тегишли фаолият йўналишларидаги бошқа ташкилот, амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг гендер-ҳуқуқий экспертизасини ўтказиш учун Адлия вазирлиги;

НХХ лойиҳасини ишлаб чиққан давлат органининг юридик хизмати, адлия органлари –НХХ лойиҳалари учун.

Гендер-ҳуқуқий экспертиза ўтказиш учун масъул давлат органи илмий ва таълим муассасалари мутахассисларини, нодавлат-нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакилларини жалб қилиши мумкин.

Адлия вазирлиги ва Гендер масалалари бўйича Республика комиссияси (Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси) нингроли:

1

Адлия вазирлиги

- давлат органларининг таклифлари асосида гендер-ҳуқуқий экспертиза ўтказиш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади;
- давлат органларининг хулосаларини НХХнинг гендер тенглиги тамойилларига мос келмаслиги нуқтан назаридан ўрғанади;
- НХХ лойиҳаларини гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказди, гендер тенглиги тамойилларига мос келмайдиган нормалар аниқланган тақдирда, лойиҳа ташаббускорга қайтарилади.

2

Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси

- Адлия вазирлиги томонидан тасдиқлаш учун киритилган гендер-ҳуқуқий экспертиза ўтказиш режаси лойиҳасини кўриб чиқади;
- Адлия вазирлиги томонидан тақдим этилган гендер тенглиги тамойилларига зид бўлган қоидаларни ўз ичига олган хулосалар бўйича қарор қабул қилади.

Гендер-ҳуқуқий экспертиза ўтказишда экспертнинг вазифаси нималардан иборат?

Биринчидан, эксперт маълум бир НХХда (ёки унинг лойиҳасида) гендер мувозанатининг бузилишига ёки йўқолишига ёрдам берадиган қоидаларни таҳлил этиши ва аниқлаши керак.

Иккинчидан, гендер мувозанатига эга бўлмаган ҳаракатни амалда қўллаш оқибатларини баҳолаши ва башорат қилиши лозим.

Учинчидан, мавжуд гендер номутаносиблигини баргараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши шарт.

Мавжуд гендер номутаносиблигини баргараф этиш учун социологик тадқиқот натижаларидан фойдаланган ҳолда муайян ҳуқуқий ҳужжат мазмунини амалда қўллаш шартлари билан солиштириш зарур.

ЭКСПЕРТНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ



кўриб чиқиладиган НХХ ёки унинг лойиҳаси *тартибга солувчи соҳага доир* ҳужжатлар билан танишиш



гендер-ҳуқуқий экспертиза учун зарур бўлган қўшимча ҳужжатларни сўраш



кўриб чиқиладиган НХХнинг нормалари ва унинг лойиҳалари бўйича тушунтиришни талаб қилиш

ЭКСПЕРТНИНГ ВАЗИФАЛАРИ



гендер-ҳуқуқий экспертизани ташкил этиш ва ўтказиш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя қилиш



агар ўз-ўзидан воз кечиш учун асослар мавжуд бўлса, бу ҳақда дарҳол раҳбарига хабар бериш



гендер-ҳуқуқий экспертиза ўтказилиши муносабати билан унга маълум бўлган маълумотларни ошкор этмаслик



тақдим этилган ҳужжатларнинг сақланишини таъминлаш

Экспертларга қўйиладиган талаблар:

Гендер экспертизаси билан шуғулланувчи мутахассислар:

- 1) инсон ҳуқуқлари ва гендер тенглиги назарияси соҳасида зарур билимга эга бўлиши;
- 2) гендер тенглигига эришишга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар (маданий, диний, институционал, иқтисодий, сиёсий ва бошқалар)ни аниқлайолиши;
- 3) гендер тенглигига эришиш йўлидаги тўсиқларни юмшатиш ёки баргараф этиш бўйича халқаро ва миллий тажрибани билишлари шарт.

II БОБ. ГЕНДЕР-ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРТИЗАНИНГ ПРИНЦИПЛАРИ

НХХ ва уларнинг лойиҳалари гендер-ҳуқуқий экспертизасини ўз ичига олган норма ижодкорлиги жараёни ҳуқуқий тартибга солишнинг мазмуни ва йўналишини белгиловчи асосий ғоялар – ҳуқуқ тамойилларига (принципларига) мос келиши керак.



ЭКСПЕРТ УЧУН МАЪЛУМОТ

“**Принцип**” сўзи ҳар қандай ҳодиса, жараён, фаолиятнинг асоси, бошланиши, етакчи ғояси, бошланғич позициясини билдиради.

Гендер-ҳуқуқий экспертиза тамойиллари – бу ўзаро боғланган фундаментал тамойиллар (ғоялар) тизими бўлиб, уларни эксперт тадқиқоти жараёнида татбиқ этиш **қонун ижодкорлиги** жараёнида қўлланиладиган сифатли натижани олишга қаратилган.

Миллий қонунчиликда гендер-ҳуқуқий экспертиза билан бевосита боғлиқ бўлган қатор тамойиллар мавжуд.

Гендер-ҳуқуқий экспертизанинг мажбурийлиги

Ҳар қандай НХХ ва уларнинг лойиҳалари истисносиз гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши керак.

Бу тамойил НХХнинг лойиҳаларини ишлаб чиқишда ваколатли органлар олдига муҳим вазифа қўяди. Бироқ НХХ ва уларнинг лойиҳаларининг барчаси ҳам гендер-ҳуқуқий экспертиза субъектлари эътиборига тушмайди.

Қонунийлик

Ҳуқуқий баҳолашни амалга оширишда қонунчиликнинг бутун тизими қурилган асосий тамойил муҳим роль ўйнайди.

НХХ ва уларнинг лойиҳалари унга нисбатан юқорироқ юридик кучга эга бўлган бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқлигини таъминлаши зарур.

Гендер-ҳуқуқий экспертиза жараёнида эксперт НХХ ва унинг лойиҳасини, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принципларига ва мамлакатнинг халқаро шартномаларига мувофиқлигини текшириши шарт.



ЭЪТИБОР БЕРИНГ!

Хорижий амалиётда гендер-ҳуқуқий экспертиза хулосалари ва назорат саволларида (чеклист) НХХ ва уларнинг лойиҳаларининг Конституция қоидаларига мувофиқлигини аниқлаш имконини берувчи алоҳида саволлар мавжуд. Маҳаллий амалиётда, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26-моддасига мувофиқ, ҳуқуқий экспертиза ўтказилаётганда барча НХХ лойиҳаларининг (улар қабул қилиниши ва расмий эълон қилинишидан олдин) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги текширилади.

Қонунийлик принципини таъминлаш мақсадида НХХ лойиҳаларини ишлаб чиқувчилар ушбу қўлланма муаллифлари томонидан тайёрланган бевосита ёки билвосита гендер тенглигини бузиш омилларини аниқлаш бўйича назорат саволларини амалда қўллашлари мақсадга мувофиқ (2-ва 3-иловалар).

Мустақиллик

Гендер-ҳуқуқий экспертизага норма ижодкорлиги субъектидан мустақил бўлган экспертлар жалб этилиши керак. Бу вазифани бир томондан Адлия вазирлиги, иккинчи томондан Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси амалга оширади.



ЭЪТИБОР БЕРИНГ!

Агар НХХ лойиҳасида Конституция ёки ўзига нисбатан нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган бошқа қонун ҳужжатлари қоидаларига мос келмайдиган нормалар аниқланса, НХХ лойиҳаси қабул қилинмайди ва қайта кўриб чиқиш учун лойиҳа ташаббускорга қайтарилади.

Шуни инобатга олган ҳолда, гендер-ҳуқуқий экспертиза ўтказиш тартибини энгиллаштириш мақсадида, бошқа мамлакатларнинг назорат саволларидан (чеклист) фарқли ўларок, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 мартдаги 192-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 2-илувасидаги хулоса шаклида НХХнинг Конституцияга мувофиқлиги масаласи кўтарилмаган.

Бундан ташқари, экспертнинг экспертиза мавзусида шахсий манфаатлари бўлмаслиги шарт, яъни эксперт НХХ лойиҳасини ишлаб чиқувчи ёки ишлаб чиқишда бевосита иштирокчи бўлмаслиги керак.

Бундай омилларнинг мавжудлиги унинг экспертиза масалалари бўйича ички ишончини шакллантиришга таъсир этиши ва ноҳолис қарор қабул қилинишига олиб келиши мумкин.

Мустақиллик принципини таъминлаш мақсадида Низом юридик хизмат томонидан НХХ лойиҳасини гендер тенглиги тамойиллари бузилган тақдирда изоҳлар билан бирга ишлаб чиқувчига (давлат органининг масъул таркибий бўлинмасига) қайтариш механизмини белгилайди. Юридик хизматнинг изоҳларидаги камчиликлар бартараф этилгандан кейингина НХХ лойиҳаси Адлия вазирлигига юборилади.

Объективлик

Гендер-хуқуқий экспертиза таҳлил натижаларини олиш ва шарҳлаш учун қўлланиладиган асосли ва ишончли усулларга мувофиқ амалга оширилади. Ушбу усуллар субъектив баҳолаш имкониятига жой қолдирмайди.

Гендер-хуқуқий экспертиза ўтказишда, шунингдек, экспертиза хулосаларини тайёрлаш ва шакллантиришда инсофсизлик, ноҳолислик ва мойилликка йўл қўйилмаслиги лозим.



ЭКСПЕРТГА МАСЛАҲАТЛАР

Экспертиза давомида эксперт қуйидаги ҳолатларга йўл қўймаслиги керак:

- ишлаб чиқувчига (ташқилотга ёки аниқ шахсга) шахсий адоватда бўлмаслиги;
- ижобий эксперт хулосаси бериш эвазига ишлаб чиқувчидан бирор фойда, хизмат ёки муқофот кутиш, сўраш ёки талаб қилиш;
- асосланмаган ва текширилмаган материаллар (миш-мишлар, маълумотларни нотўғри талқин этиш, бузиш ва бошқалар)га эътибор қаратиш;
- НХХ ва уларнинг лойиҳалари юзасидан фикрларни ошқор этиш, тарқатиш;
- НХХ бандларини ва уларнинг лойиҳаларини унинг (эхтимол, ташқилот раҳбарияти ёки манфаатдор шахсларнинг тор доираси) манфаатларига мос келадиган қонун ҳужжатлари нормалари билан таҳлил қилиш, шунингдек, мос келадиган маълумотлардан фойдаланиш.

Шуни таъкидлаш керакки, экспертнинг объективлиги кўп жиҳатдан муайян экспертиза ўтказиш учун усулларнинг мавжудлиги ва объективлигига ҳамда экспертиза учун тақдим этилган материалларнинг сифат даражасига боғлиқ.



ЭКСПЕРТГА МАЪЛУМОТ

Объективлик принципи икки жиҳатга эга:

биринчидан, ўрганиш жараёнида ва хулоса беришда эксперт томонидан субъективликка йўл қўймаслик, яъни бу тадқиқотга асосланмаган маълум бир қарор қабул қилиш тенденцияси;

иккинчидан, экспертнинг холислиги, яъни унинг ҳеч қандай тарзда манфаатдор эмаслиги, бетарафлиги ҳамда ишнинг ҳолатларига нисбатан ҳиссий барқарорлиги.

Қисман текшириладиган НХХда бир қатор хатолар бўлиши мумкин, агар мутахассис ҳужжатнинг фақат маълум бир қисмини текшириш ёки НХХни маълум бир мезон бўйича баҳолаш вазифасига дуч келса, уларни кўздан қочириши мумкин. Шунинг учун эксперт НХХ ёки унинг лойиҳасининг барча қисмларини ҳисобга олган ҳолда гендер-ҳуқуқий экспертиза ўтказиши, шунингдек, экспертиза тўлиқлигини таъминлайдиган барча материаллар (статистик маълумотлар, тадқиқотлар, ҳисоботлар ва бошқа маълумотлар)га эга бўлиши керак.

Эксперт хулосасини шакллантиришда ҳужжатларни ўрганишнинг асосий босқичлари



Гендер-ҳуқуқий экспертиза методологияси мутахассисдан ҳуқуқ соҳасида ҳам, гуманитар фанларнинг тегишли соҳаларида ҳам махсус билимга эга бўлишни талаб этади.

Бундан ташқари, эксперт экспертиза давомида жамият онгида мавжуд бўлган гендер номуаносиблигига, шунингдек, гендер стереотипларига эътибор бериши керак.

Билвосита камситишни аниқлаш учун мутахассис тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш соҳасининг ўзига хос хусусиятларини тушуниши керак.



ЭКСПЕРТГА МАСЛАҲАТЛАР

Экспертиза давомида эксперт тўғри хулосага келиш учун барча муқобил ечимларни текшириши шарт. Бунинг учун у объектнинг ва ҳужжатнинг хусусиятларини ҳар томонлама (тўлиқ) текшириши, экспертиза предметиға тегишли иш материалларини ўрганиши керак.

Комплекс ёндашув принципини таъминлаш учун ушбу қўлланма муаллифлари томонидан экспертиза ўтказишда экспертлар фойдаланиши мумкин бўлган саволлар рўйхати ишлаб чиқилди (*4-илова*).

III БОБ. ГЕНДЕР-ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРТИЗАНИ ЎТҚАЗИШ ТАЛАБЛАРИ

Гендер-ҳуқуқий экспертиза исталган натижаларни аниқ тасаввур этишни талаб қилади. Ушбу ёндашув гендер муносабатлари соҳасидаги деярли барча мутахассислар томонидан қўллаб-қувватланади. Уларнинг фикрича, бу гендер-ҳуқуқий таҳлилининг қарашлари ва мақсадларини ўз ичига олади, гендер тенглигининг умумий мақсадига мос келади ва тарихий камситишларни бартараф этиш, аёллар ва эркекларнинг тўлиқ тенгликка эришиш имконини берадиган шарт-шароитларни таъминлашдир³.

Ўзбекистонда гендер-ҳуқуқий экспертиза механизми эндигина шаклланаётганлиги сабабли БМТ ва ХМТ экспертлари томонидан ишлаб чиқилган ва халқаро ташкилотлар (хусусан, БМТТД, ХМТ ва бошқалар) амалиётида қўлланиладиган гендер таҳлилини ўтказишнинг асосий усулларида услубий асос сифатида фойдаланиш таклиф этилади, шунингдек, миллий экспертлар томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган усуллар ҳам қўлланилади⁴.

Гендер-ҳуқуқий экспертиза элементларидан амалий фойдаланиш асосий тушунчалар ва тоифаларни аниқ тушунишга асосланиши керак. Ушбу қўлланмада келтирилган алоҳида атамалар ва таърифлар аксиома эмас, уларнинг айримлари НХХ томонидан мустаҳкамланган бўлсада, айримлари эса гендер масалалари, шу жумладан халқаро масалалар бўйича мутахассислар томонидан энг кўп фойдаланиладиган атамалар сифатида тақдим этилган.



Кўриб чиқилаётган НХХлар ва уларнинг лойиҳалари нормалари ва қоидаларини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, “Хотин-кизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси мамлакатимиз томонидан белгиланган тартибда эътироф этилган халқаро шартномаларга, шунингдек, аёллар ва эркеклар тенг ҳуқуқ ва имкониятларини таъминлаш масалаларини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқлигини ўрганиш;


3 Making Laws Work for Women and Men: A Practical Guide to Gender-Sensitive Legislation Warsaw, 2017 OSCE/ODIHR Published by the OSCE Office for Democratic Institutions and Human Rights www.osce.org/odihr.

4 Гендерный анализ. Принципы и элементы// https://unrcca.unmissions.org/sites/default/files/unrcca_handout_gender_analysis_2020_rus_0.pdf;

Руководство по проведению гендерного аудита методология гендерного аудита MOT, основанного на принципе активного участия// https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---europe/---ro-geneva/---sro-moscow/documents/publication/wcms_312703.pdf;

Гендер и анализ, мониторинг и итоговая оценка реформирования сектора безопасности // <https://www.osce.org/files/f/documents/0/4/75302.pdf>;

Гендерный анализ в системе местного управления и самоуправления// <http://library.fes.de/pdf-files/bueros/ukraine/15685.pdf> ва бошқалар.



НХҚлар ва уларнинг лойиҳалари нормалари ва қоидаларининг гендер тенглиги тамойилларининг ҳар бирига (тенг ҳуқуқлар, тенгжавобгарлик, тенг мажбуриятлар ва тенг имкониятлар) мувофиқлигини таъминлаш. Шу билан бирга, сиёсий, иқтисодий, меҳнат ва бошқа ижтимоий муносабатларни тартибга солишда тенг ҳуқуқлилиқка эришишга қаратилган, лекин жинси бўйича камситувчи ҳисобланмайдиган меъёрлар ва вақтинчалик махсус чора-тадбирлар ҳисобга олиниши керак;



НХҚ матнида ва унинг лойиҳасида атамаларнинг бир хилда қўлланилишини текшириш, турли талқинларга йўл қўймаслик.

Гендер-ҳуқуқий экспертиза ўтказишга қўйиладиган талаблар:

Келинг, ушбу талабларнинг ҳар бирини кўриб чиқайлик.

1-талаб



Кўриб чиқилаётган НХҚлар ҳамда уларнинг лойиҳалари нормалари ва қоидаларини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини ўрганиш.

Ўзбекистон Республикасида Конституциянинг устунлиги тан олинган. Ўзбекистон Республикасининг “**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида**”ги Қонунининг 8-моддасига кўра, Конституция энг юқори юридик кучга эга ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида бир хил қўлланилади. Қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида ва уни амалга ошириш мақсадида қабул қилинади ҳамда унинг нормалари ва тамойилларига зид келиши мумкин эмас.

Демак, Конституция мамлакатимизнинг оммавий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминловчи миллий қонунчилик тизимининг асосидир. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган сўнгги қонун ҳужжатлари, энг аввало, ижтимоий адолат, қонунийлик ва инсон фаровонлигини янада таъминлашнинг асосий кафолати бўлиб хизмат қилувчи Конституцияга асосланади.

Асосий Қонуннинг муқаддимасида қайд этилганидек, Конституция инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида қабул қилинган. Яъни Конституциянинг асосий мақсади инсонлар учун муносиб турмуш шароитини яратиш, инсоннинг бахт-саодатини таъминлашдир.

Аёллар ва эркаклар тенглиги, жамият ва давлатда аёлларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш масалалари фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг энг муҳим конституциявий қафолатларидандир.

Конституциямизнинг 18-моддасида “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар” дейилган. Эътибор берадиган бўлсак, ушбу конституциявий нормада бир вақтнинг ўзида тенглик билан боғлиқ бир қанча тамойиллар назарда тутилган. Хусусан, “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга” тамойили ҳуқуқлар тенглиги, “қонун олдида тенгдирлар” деганда ҳуқуқий муносабатларнинг ҳар бир иштирокчисига нисбатан қонун ҳужжатлари нормалари тенглиги тушунилади ва улар бузилган тақдирда тегишли оқибатларга олиб келади ва муайян жавобгарлик чораларини қўллашга сабаб бўлади. Ҳуқуқларнинг тенглиги, қоида тариқасида, камситишнинг тақиқланиши билан таъминланади, бу ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш ҳамда ҳимоя қилишда ҳам муҳим ўрин тутди.

Таъкидлаш жоизки, аксарият давлатларнинг Конституцияларида жинси, ирки ва бошқа хусусиятларидан қатъи назар, тенглик принципи мустақамланган.

Шу билан бирга, Конституция ҳуқуқларнинг тенглиги принципи билан бир қаторда маълум шартлар асосида имтиёзлар белгилаш имконини беради. Тенглик тамойилига сўзма-сўз риоя қилиш камситиш хавфини ўз ичига олади, сабаби заифлар ўзларининг заифлиги туфайли бошқалар билан рақобатлаша олмайди ва бу турли ҳолатларда намён бўлади – ногиронлик, ёш, жинс, миллат ёки бошқа омилда фарқ бўлиши мумкин. Бундай ҳолатлар албатта, имтиёзлар қўринишидаги қўшимча давлат ёрдамига муҳтож. Бироқ, Конституциянинг 18-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиши мумкин ва ижтимоий адолат тамойилларига мос келиши керак. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқлар тенглиги ҳақида эмас, балки имкониятлар тенглиги ҳақида гапираемиз.

18-моддада белгиланган тенглик принципи асосий бўлиб, унинг ифодасини Конституциянинг бошқа моддаларида ҳам қўришимиз мумкин. Масалан, тенг фуқаролик (22-модда), аёллар ва эркаклар тенг ҳуқуқчилиги (46-модда), тадбиркорликда ва иқтисодий фаолиятда тенглик (53-модда), жамият ҳаётида иштирок этиш учун тенг имкониятлар яратилиши (58-модда), никоҳда бўлган тарафларнинг тенглиги (63-модда), ота-оналарнинг келиб чиқиши ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, болаларнинг қонун олдида тенглиги (65-модда).

Ҳуқуқларнинг тенглиги Конституциянинг сайловга, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий, шунингдек, шахсий ҳуқуқ ва эркинликларига

бағишланган моддаларида белгилаб қўйилган. Мисол учун, 36-модда ҳар кимнинг мулкка эга бўлиш ҳуқуқини, 37-модда – ҳар кимнинг меҳнат қилиш, ишни эркин танлаш, адолатли меҳнат шароитлари ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқини белгилайди. Ушбу моддаларда тенглик тамойилига тўғридан-тўғри муурожаат қилинмаган бўлсада, у ҳеч қандай шарт ва чекловларсиз “ҳар бир шахс” жумласида назарда тутилган.

Конституцияда белгиланган тенгликтамойили давлат томонидан тартибга солишмеханизми, шу жумладан қонунчиликқўринишидаги ҳуқуқий механизм билан таъминланади.



Кўриб чиқилаётган НХҚ нормалари ва қондалари ҳамда уларнинг лойиҳаларини “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлигини ўрганиш.

НХҚни Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқлигини ўрганиш талаби қонуннинг бошқа НХҚдан устуворлиги боис қонуности НХҚга нисбатан қўлланилади .

Қонун лойиҳасини ёки амалдаги қонунни ўрганиш масаласига келсак, “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни нормаларининг бир ҳил юридик кучга эга бўлган бошқа ҳужжатларга нисбатан устуворлиги масаласи мунозара келтириб чиқариши мумкин.

Юридик адабиётларда ушбу масала бўйича бир нечта позициялар мавжуд, айрим келишмовчиликлар бўйича Конституциявий судга муурожаат этилгани. Бу ҳолда, қуйидаги фикрларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни биринчи марта гендерга асосланган камситишнинг бевоқита ёки билвоқита таърифларини киритди, бу эса ушбу таърифлар мавжуд бўлмаган бошқа гендер-нейтрал қонун ҳужжатларида уларни қўллашнинг ҳуқуқий асосларини ёки гендер “кўрлиги” потенциалини аниқлашга ёрдам беради, НХҚларнинг гендер сезгирлигини ошириш учун тузатишлар киритиш зарурлигини аниқлаб беради.

Иккинчидан, Қонуннинг мазмуни, махсус соҳавий қонун сифатида унга бошқа қонунларга нисбатан устувор маъқега эга бўлишга имкон беради, чунки у бошқа қонунларнинг предмет муносабатларини тартибга солишга эмас, балки эркаклар ва аёллар, қизлар ва ўғил болалар тимсолида ушбу қонунлар ёки қонун лойиҳалари фойдаланувчилари (истеъмолчилари) учун тенг имкониятларни таъминлашга қаратилган.

Қонун устуворлигини эътироф этиш, ҳуқуқий макон бирлигининг акси бўлмиш қўшма тартибга солиш зоналари деб аталадиган соҳаларни (меҳнат, меҳнат муносабатлари, давлат хизмати, оилавий муносабатлар, фуқаролик муносабатлари ва ҳ.) тартибга солишда соҳавий қонунларнинг ўзаро таъсири билан боғлиқ муаммоларни амалда бартараф этишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни “Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенция (Нью-Йорк, 1979 йил 18 декабрь) қоидаларининг тўлиқ ифодасидир. Конвенциянинг 2-моддасида иштираётган давлатлар “эркеклар ва аёллар ўртасидаги тенглик тамойилини ўзларининг миллий конституцияларига ёки бошқа тегишли қонун ҳужжатларига, агар бу ҳали амалга оширилмаган бўлса, киритиш ҳамда қонун ва бошқа тегишли воситалар билан амалга оширилишини таъминлашга” мажбур экани белгиланган.



ЭЪТИБОР БЕРИНГ!

Қонунда ҳуқуқларга ҳар томонлама ёндашилган ва камситишнинг мумкин бўлган омилларидан бири сифатида жинс аниқ белгиланган.

Жинс ва бошқа асослар бўйича камситишнинг тақиқланиши Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган деярли барча қонунларда мустақамлаб қўйилган бўлса-да, қонун ҳужжатларининг мутлақ кўпчилиги гендер тенглигини асосиз таъминлагандек гендер-нейтрал хусусиятга эга, асосий муаммо қонунчиқарувчи органнинг аёллар ва эркекларга ҳос хусусиятларини тан олмасдан уларга тенг қарашда, бу эса охир-оқибат аёллар ва эркекларнинг тенг бўлмаган сиёсий, ижтимоий, моддий ва ҳоказо позицияларига сезиларли салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун асосий мақсад сифатида тенг ҳуқуқларни расман ўрнатиш эмас, балки таклиф қилинган имкониятлар орқали тенгликка эришиш механизмини белгилаш муҳим.

Умуман олганда, жинси бўйича камситишларга йўл қўймаслик асосий қоида бўлиб, қонун мазмунини ташкил этувчи деярли барча моддалар ушбу нормани таъминлашга қаратилган.

Қонун давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, шунингдек, гендер сиёсатини амалга оширишнинг институционал асосларини белгилайди. Бу эса давлатнинг барча соҳаларда аёллар ва эркекларнинг ҳақиқий тенглигига эришиш тамойилига риоя этишга қатъий содиқлигини ифодалайди, хусусан: Вазирлар Маҳкамаси, Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси, ваколатли

органлар ва бошқа давлат органлари, фуқаролик жамияти институтларининг турли соҳаларда аёлларга нисбатан камситишнинг олдини олиш ва тўхтатиш бўйича ваколатлари кўрсатилган.

Қонунда фаолиятнинг деярли барча таснифланиши мумкин бўлган соҳаларида давлат томонидан ҳуқуқларнинг гендер тенглигини ва тенг имкониятларни таъминлашнинг кафолатлари белгиланган. Ушбу тасниф маълум бир соҳада (сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, маданий) гендер тенглигига эришишнинг зарур кўрсаткичларидан келгусида фойдаланиш учун ўрганилаётган ҳуқуқий ҳужжатнинг тартибга солиш предметини аниқлашда фойдали бўлиши мумкин.

Ижтимоий-сиёсий соҳа. Бу соҳага сайлов ва сайлов ҳуқуқларини, сиёсий партиялар, ижтимоий ҳаракатлар фаолиятини, давлат хизматини ва бошқаларни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатлар қиради.

Иқтисодий ва ижтимоий соҳа. Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-кизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, бу соҳа иқтисодиёт, молия ва тадбиркорлик қонунчилигини ўз ичига олади. Қонун меҳнат, ижтимоий ҳимоя, оилавий муносабатлар ва болаларни тарбиялаш соҳасидаги қонун ҳужжатларини, шунингдек, уй меҳнати билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш масалаларини қамраб олади.

Қонунда таълим, фан, маданият ва соғлиқни сақлаш соҳалари алоҳида бобда берилган.



Кўриб чиқилаётган НХҚлар ҳамда уларнинг лойиҳалари нормалари ва қоидаларини Ўзбекистон Республикаси томонидан белгиланган тартибда эътироф этилган халқаро шартномаларга мувофиқлигини ўрганиш

Миллий қонунчиликнинг гендер таркибий қисмларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг норматив-ҳуқуқий асоси халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари устунлиги тўғрисида аниқ айтилган.

Гендер тенглиги билан боғлиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг батафсил таҳлили миллий ва хорижий, халқаро нашрларда келтирилган бўлиб, улар асосида ҳуқуқий ҳужжатларнинг гендер-ҳуқуқий экспертизасини ўтказишда фойдали бўлган халқаро манбаларнинг қуйидаги таснифини беришимиз мумкин:

Биринчидан, БМТ Низоми (1945 йил) ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясидан (1948 йил) бошлаб, инсон ҳуқуқларига оид барча халқаро ҳужжатлар стратегик манбалар сифатида қаралиши керак.

Халқаро миқёсда биринчи марта БМТ Низоми инсон ҳуқуқлари кадрятлари ва тенглик тамойилини, шу жумладан гендер асоси бўйича тенгликни декларация қилди: “Биз, Бирлашган МиллатларТашкилоти халқлари, асосий тамойилларга ишонишни... инсон ҳуқуқлари, инсоннинг кадр-қиммати, **эркаклар ва аёлларнинг тенглиги**, катта ва кичик халқларнинг ҳуқуқлари тенглиги, адолат ва мажбуриятларга ҳурмат, кузатилиши мумкин бўлган шарт-шароитларни яратиш...бу мақсадларга эришиш учун сўй-ҳаракатларимизни бирлаштиришга қарор қилдик”.

Декларациядан келиб чиқадики, эркаклар ва аёллар қуйидаги соҳаларда тенг ҳуқуқларга эга: қонунолдида тенг ҳуқуқлилиқ, қамситишлардан тенг ҳимояланиш, тенг никоҳ ҳуқуқи, давлат хизматидан тенг фойдаланиш, тенг ҳақ олиш ҳуқуқи.

Ўзбекистон Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ҳамда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга қўшилиши натижасида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида мустақамланган қўлаб нормалар Ўзбекистон учун мажбурий юридик қучга эга бўла бошлади. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳондекларацияси билан биргаликда ушбу пактлар Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро Биллини ташкил этади.



ЭКСПЕРТ УЧУН МАЪЛУМОТ

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 70 дан ортиқ асосий халқаро ҳужжатларга қўшилган.

Иккинчи турдаги манбалар аёллар ҳуқуқларига оид конвенциялар ва бошқа халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардир. Жумладан, “Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция, “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пакт, “Ирқий қамситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида”ги халқаро конвенция ва бошқалар.

Ўзбекистон Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб БМТнинг аёлларга нисбатан қамситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенциясига қўшилди.

Фойдали маълумотлар бевосита аёллар мақоми билан боғлиқ бўлмаган ихтисослаштирилган (соҳавий) конвенцияларда ҳам мавжуд. Чунончи, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция (1989 йил) ота-онанинг тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди (3, 18, 27-моддалар ва бошқалар), фарзанднинг онасига ғамхўрлик қилиши (24-модда), болани эркаклар ва аёллар тенг ҳуқуқлилиги руҳида тарбиялаш (29-модда 1-банди) кўрсатилган. Оналикни

химоя қилиш тўғрисидаги конвенция ҳомиладор ва болали аёллар учун қафолатлар бўйича ижобий дискриминация қоидаларини назарда тутди.

Шу билан бирга, гендер тенглигини таъминлаш ва гендер дискриминациясига барҳам бериш мақсадига эришишнинг устувор йўналишларини белгилаб берувчи, қонун ҳужжатлари ва НХҚнинг гендер сезгирлигини белгилашда муҳим аҳамиятга эга бўлган халқаро ҳужжатларга алоҳида тўхталиб ўтиш тақлиф этилади.

Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси (1995йил)

Бутун дунёда аёллар ҳуқуқларини кенгайтириш бўйича энг илғор “йўл харитаси” 1995 йил сентябрь ойида Пекинда (Хитой) аёллар бўйича IV Бутунжаҳон конференциясида қабул қилинган Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси ҳисобланади.

Конференция яқунлари бўйича 189 давлат, жумладан, Ўзбекистон вакиллари бир овоздан Пекиндеklarацияси ва Ҳаракатлар платформасини қабул қилган.

Пекин декларациясида танлаш эркинлиги ва имкониятлар тенглиги тамойиллари мустақамланган. Хусусан, унда барча қизлар ва аёллар зўравонликдан холи яшаш, таълим олиш, қарорлар қабул қилиш жараёнларида иштирок этиш ва эркаклар билан тенг ҳақ тўлаш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилган. Ҳаракатлар Платформаси 12та муҳим соҳани қамраб олади, жумладан, қонунда ҳамда амалда тенглик ва камситилмасликни таъминлаш бўйича умумий мажбуриятларни шакллантирди. Бу масалалар жуда муҳим саналиб, гендер тенглигини таъминлаш ва аёллар ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга тегишли эътиборни талаб қилади.

Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ)

Ўзбекистон 2030 йил глобал кун тартибига эришиш бўйича ўзининг содиқлигини тасдиқлади. БМТнинг 2030 йилгача бўлган глобал кун тартибидаги БРМни изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Барқарор ривожланиш миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасида 17 та миллий мақсад ва 125 дан ортиқ мақсадли кўрсаткичлар тасдиқланди.

5-мақсад: гендер тенглигига эришиш, барча аёллар ва қизларнинг имкониятларини кенгайтириш



хамма жойда аёллар ва қизларга нисбатан камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш



аёллар ва қизларга нисбатан зўравонликнинг барча шаклларини, шу жумладан одам савдоси, жинсий ва бошқа эксплуатация шаклларини йўқ қилиш



эрта ва мажбурий никоҳларни бартараф этиш



миллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда, тўловсиз парвариш ва уй ишларини тан олиш ва қадрлаш, коммунал хизматлар, инфратузилма ва ижтимоий хавфсизлик тармоқларини таъминлаш, уй ва оилада умумий масъулият тамойилини тарғиб қилиш



аёлларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда қарорлар қабул қилишининг барча даражаларида тўлиқ ва мазмунли иштирокчини ҳамда етакчилик учун тенг имкониятларни таъминлаш



кенг қамровли репродуктив саломатликни сақлаш учун универсал тиббий қамровга эришиш



хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий соҳада ҳуқуқ ва манфаатларини рўёбга чиқаришда уларни қўллаб-қувватлаш дастурларини кенгайтириш




аёлларнинг имкониятларини кенгайтиришга қўмаклашиш учун юқори таъсирли технологиялардан, хусусан, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни икки баравар ошириш



турли даражадаги давлат дастурларини қабул қилиш жараёнига гендер тенглиги тамойилларини тўлиқ интеграция қилиш

11 та миллий индикатор (кўрсаткич) ишлаб чиқилган бўлиб, улардан Ўзбекистонда БРМга эришишнинг ахборот ва статистик мониторинги учун фойдаланилади.



Гендер-ҳуқуқий экспертиза ўтказишда ушбу кўрсаткичлар ўзига ҳослиги билан маълум бир вазифани ҳал қилиш орқали қандай натижаларга эришиш кераклигини аниқлаб олиш имконини беради, бошқача қилиб айтганда, НХХ ва уларнинг лойиҳаларининг гендер-ҳуқуқий экспертизасини ўтказишда қўлланма бўлиб хизмат қилади.



қўриб чиқилаётган НХХлар ҳамда уларнинг лойиҳалари нормалари ва қоидаларини аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқ ва имкониятларини таъминлаш масалаларини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқлигини ўрганиш

НХХ ва унинг лойиҳасини ўрганар экан, 2026 йилгача бўлган муддатга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар сифатида **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-60-сон қарори билан тасдиқланган 2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.**

Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида халқ фаровонлигини янада юксалтириш, иқтисодий тармоқларини тубдан ўзгартириш, тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш, **“Инсон шаъни ва қадр-қиммати йўлида”** тамойилига асосланган фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотларнинг устувор йўналишлари аниқ акс эттирилган.

Гендер тенглиги сиёсатини янада тарғиб этиш бўйича вазифалар 69-мақсадда берилган – *Аёлларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг жамиятдаги фаоллигини янада ошириш.*



жамиятда аёлларга нисбатан зулм ва зўравонликка нисбатан мурасасизлик муҳитини шакллантириш, аёлларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш



гендер тенглигини таъминлаш сиёсатини давом эттириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ислохотларни давом эттириш



хотин-қизларни касбга тайёрлаш, касбий маҳоратини ошириш ва муносиб меҳнат билан таъминлашда ҳар томонлама қўмаклашиш, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли қизлар ва аёлларнинг қобилиятларини аниқлаш ва тўғри йўналтириш



худудларда, айниқса, қишлоқларда хотин-қизларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини таъминлаш, уларни соғлом турмуш тарзига кенг тарғиб этиш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш



турар жойга муҳтож аёлларни уй-жой билан таъминлаш, яшаш ва меҳнат шароитларини яхшилаш, уларнинг даромадларини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни белгилаш



оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган аёлларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш, уларни манзилли қўллаб-қувватлаш



“Аёллар дафтари” билан манзилли ишларни ташкил этиш, масъул ташкилотлар томонидан аёллар муаммолари ўз вақтида ҳал этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш

“Аёллар ва эркаклар ўртасидаги тенглик тамойилини қарорлар қабул қилиш ва амалга оширишнинг барча соҳаларида ҳамда даражаларида татбиқ

этишга комплекс ёндашув”ни назарда тутувчи яна бир мезон бу 2021 йил май ойида қабул қилинган **2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясидир.**

Гендер тенглигига эришиш стратегияси, асосан, узоқ муддатли мақсадлардан келиб чиққан ҳолда қатор устувор йўналишларда амалга оширилмоқда. Давлат хизматида, ижтимоий-иқтисодий, оилавий муносабатлар ва фарзандлар тарбиясида аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқ ва имкониятларини таъминлаш, сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш шулар жумласидандир. Стратегияда гендер тенглигини таъминлашга қаратилган тадбирларни ҳисобга олган ҳолда давлат дастурларини бюджетлаштириш ва молиялаштириш ҳам назарда тутилган.

Гендер тенглигига эришиш стратегиясининг йўналишлари 2030 йилгача бўлган даврга мўлжалланган БРМга мувофиқ белгиланади.

2-талаб



НХХ ва уларнинг лойиҳалари нормалари ва қоидаларининг гендер тенглиги тамойилларининг ҳар бирига (тенг ҳуқуқчилик, тенг жавобгарлик, тенг мажбуриятлар ва тенг имкониятлар) мувофиқлигини таъминлаш. Шу билан бирга, сиёсий, иқтисодий, меҳнат ва бошқа ижтимоий муносабатларни тартибга солишда тенг ҳуқуқчиликка эришишга қаратилган, лекин жинси бўйича камситувчи ҳисобланмайдиган меъёрлар ва вақтинчалик махсус чора-тадбирлар ҳисобга олиниши керак

Экспертиза икки жинс вакиллари учун тенг ҳуқуқчилик ва тенг имкониятлар тамойилларига асосланади. Ушбу тамойил таҳлил учун муҳимдир, чунки у аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқчилигини таъминлаш нуқтаи назаридан соҳавий қонунчиликдаги салбий ва ижобий қоидаларни аниқлаш имконини беради.

Келинг, **гендер тенглиги тамойилларини** батафсил кўриб чиқайлик.

Гендер тенглиги, тенгликдан фарқли ўлароқ, ўзига хос хусусиятларга эга ва маъно жиҳатдан сезиларли даражада фарқланади.

Шундай қилиб, тенглик – бу миллати, жинси, дини, расмий ёки ижтимоий мавқеидан қатъи назар, барча фуқаролар учун тенг ҳуқуқчилигини қонун билан мустаҳкамланишидир. Бу ёндашув халқаро стандартларда ифодаланган бўлиб, қонунчиқарувчи ва норма ижодкорлиги билан шуғулланувчи ҳар бир субъект айнан шу ёндашувга амал қилади. Бундай ёндашув инсон ҳуқуқларининг ижтимоий моҳиятини эътиборсиз қолдиради ва аёлларга нисбатан ҳақиқий шахсий эркинлик нафақат ҳуқуқлар тенглигини, балки уларни амалга ошириш учун имкониятлар тенглигини ҳам назарда тутати ва

бу фақатгина инсоннинг ўзига ёки табиатига, балки жамиятга ҳам боғлиқ⁵ бўлган ҳақиқатдир.

Шундай қилиб, гендер тенглиги кўп элементли тушунча бўлиб, у расман тенгликдан ташқари, **имкониятлар тенглигини** ҳам ўз ичига олади. Гендер тенгсизлигининг замонавий қарашлари эркакларга ҳам, аёлларга ҳам бир хил ёндашувга тўғри келади ва бу кўпинча биологик хусусиятлар билан эмас, балки жамиятдаги ижтимоий мақом билан ўлчанади.

Шу муносабат билан гендер тенглигини баҳолаш қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши керак: нафақат тенгликнинг расман мустаҳкамланишини, балки имкониятлар тенглигини, шунингдек, **натижалар тенглигини** ҳам баҳолаш керак. Охиргисини дастлабки икки йўналиш билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқиш керак, яъни натижаларнинг тенгсизлиги ҳуқуқлар соҳасидаги гендер тенгсизлиги ва имкониятлар соҳасидаги гендер тенгсизлиги билан белгиланади. Шу билан бирга, тенг имкониятлар НХХга ёки унинг лойиҳасига “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган **вақтинчалик махсус чора-тадбирларни** киритиш орқали таъминланиши мумкин. Натижада тенг ҳуқуқий мақом ва тенг имкониятларни тўлиқ амалга ошириш натижасида жинслар томонидан олинган натижаларнинг тенглиги (мансаб ўсиши, даромад, мулк ва бошқалар) юзага келади.

Шахснинг ҳуқуқий мақомини конституциявий тушуниш ҳар бир шахснинг нафақат ҳуқуқ ва эркинликларга, балки бурчларга ҳам эга бўлишига асосланади. **Мажбуриятлар** конституциявий тарзда мустаҳкамланган ва юридик жавобгарлик талаблари билан ҳимояланган бўлиб, улар инсон ва фуқарога (давлат ҳудудидаги ҳар қандай шахсга ёки фақат ўз фуқароларининг хатти-ҳаракатларига, уларнинг жойлашган жойидан қатъи назар) қўйилади ва унинг бошқа фуқаролар, жамият, давлат манфаатларини таъминлашда иштирок этиш зарурати билан боғлиқдир.

Ҳуқуқ ва бурчларнинг бирлиги шахс ҳуқуқий мақомининг умуминсоний тамойилидир, бошқача қилиб айтганда – “бурчларсиз ҳуқуқ ва ҳуқуқсиз бурчлар йўқ”. Бу принцип ҳар бир шахснинг ҳаракатларини мувофиқлаштириш учун ишлатилади.

Тадқиқот мавзусида ҳуқуқ ва бурчларнинг бирлиги тамойилидан фойдаланиш доирасини ўрганиш гендер ҳуқуқ ва бурчлари ўртасидаги тенгликни аниқлашни назарда тутади.

5 Гендер и право: учебное пособие / Е. Г. Абраменко [и др.]; под ред. Т. В. Телятицкой. – Минск: ЮНИПАК, 2020. – с. 117.

Гендер тенглиги эркаклар ва аёллар учун тенг имкониятларга эга бўлишни, уларга ҳаётнинг исталган соҳасида тенг ҳуқуқ ва мажбуриятлар беришни, шунингдек, қонун олдида **тенг жавобгарликни**⁶ англади.

Бошқача қилиб айтганда, НХХ (ёки лойиҳа) да маълумбирхатти-ҳаракатлар учун мажбуриятлар ёки кўрсатмаларнинг белгиланиши, белгиланган мажбуриятларни бажармаганлик ёки тўлиқ бажармаганлик учун аниқ жавобгарликнинг мавжудлигини англади. Бироқ жавобгарлик чораларини белгилашда миллий нормалар яратиш амалиёти умумий қоидалар (бланкет нормалар) билан чекланади.

Миллий қонунчиликда фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги тўғрисидаги конституциявий меъёрларга қатъий риоя этилишини ҳисобга олиб, қонунчилик даражасида аёлларнинг ҳуқуқлари бузилмайди ва жинсига қараб бевосита камситиш ҳолатлари кузатилмайди. Бу тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларда субъектни белгилашда гендер-нейтрал атамалардан фойдаланиш амалиёти билан изоҳланади. Масалан, “ҳодим”, “шахс”, “тадбиркор”, “аризачи”, “партия” ва бошқалар. Яъни, жинсидан қатъи назар, ҳар қандай ҳуқуқий муносабатлар субъекти ҳақида гап кетаётгани осон тушунилади.

Шу билан бирга, ҳуқуқни қўллаш амалиётида қонун олдида тенглик принципига том маънода амал қилиш бошқалар билан тенг рақобатлаша олмайдиган шахслар учун ўтиб бўлмас тўсиққа айланиб боришини эътироф этиш керак. Бу билвосита камситишдир.

Таъкидлаш керакки, билвосита камситиш элементларини аниқлаш экспертдан ўрганилаётган соҳада маълум тажрибага ва шунга мос равишда зарур кўникмаларга эга бўлишни талаб қилади.

Аввало, уларни амалга ошириш механизмларига эътибор қаратиш лозим (масалан, мансаб ўсишида гендер тенглигининг қонун ҳужжатларида таъминланмаганлиги, раҳбар лавозимига тасдиқлаш (сайлаш)), аёлларнинг турли мақсадли гуруҳлари хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда табақалаштирилган ёндашувнинг йўқлиги (масалан, ёши, таълим даражаси, соғлиги ҳолати, яшаш жойига қараб). Гендер экспертизаси бундай муаммоли жой-арни аниқлаш имконини беради. Бўшлиқларни тўлдириш бўйича тегишли самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун 2030 йилгача бўлган Жаҳон кун тартиби ва БРМ, 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси, аёллар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлашга қаратилган индикаторларга амал қилиш тавсия этилади.

Ушбу босқичда “Гендер-ҳуқуқий экспертиза босқичлари” бўлимида таклиф қилинган воситалар тўпламидан фойдаланиш тавсия этилади.

6 Қонун олдида жавобгарликнинг тенглиги учун юқоридаги Конституция нормаларига риоя қилиш бўлимига қаранг (муаллиф изоҳи)

Масалан, таклиф қилувчи асосий саволлардан фойдаланган ҳолда муаммони аниқлаш, жинси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва бошқалар бўйича ажратилган мавжуд статистик маълумотларни ўрганиш.

Келинг, Меҳнат кодекси мисолида аёлларга нисбатан билвосита камситиш ҳолатларини кўриб чиқсак.

Билвосита камситиш нормаларини аниқлашга ёрдам берадиган саволлар:

МЕҲНАТ КОДЕКСИ АМАЛ ҚИЛАДИГАН МЕҲНАТ СОҲАСИДА ЭРКАКЛАР ВА АЁЛЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ҚАНДАЙ?

Умуман олганда, Меҳнат кодексининг гендер-таъминловчи нормалари аёлларнинг барқарор бандлигига эришишга қаратилган. Бу меҳнат ва оилавий мажбуриятларни бирга олиб борадиган аёлларга бериладиган қўшимча ҳуқуқ ва имтиёزلарни кафолатлайдиган нормалардир.

Шу билан бирга, меҳнат қонунчилигига кўра, аёл ходиманинг мартаба имкониятлари иш берувчининг хоҳишига бевосита боғлиқ бўлиб, бу, аслида, камситиш демакдир. Шундай қилиб, Меҳнат кодексининг бошқа лавозимга ўтказиш тўғрисидаги нормалари ходимга ташаббус кўрсатиш ҳуқуқини беради, аммо объектив қарорни кўриб чиқиш ва қабул қилиш ҳуқуқий норма доирасидан ташқарида қолади. Шунинг учун, амалда, лавозимда қўтарилган тақдирда, бошқа лавозимга ўтказиш учун ариза фақатиш берувчининг оғзаки буйруғидан кейин берилади. Шунини эътироф этиш керакки, болали аёлларнинг меҳнатини гендер муҳофаза қилиш меъёрлари (ишга қабул қилишни рад этишни тақиқлаш, меҳнат шартномасини ўзгартириш, унинг розилигисиз ва кейинги ишга жойлашишисиз бекор қилишни тақиқлаш кафолатлари, хизмат сафарларини чеклаш, ярим кунлик ишлаш ҳуқуқи, ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари, кўп сонли танаффуслар ва иш ҳақи билан ота-она таътиллари ва бошқалар) ҳақиқий карьера қилиш имкониятларини кескин камайтиради.

Вақт ўтиши билан маълум бўлдики, аёл ходим сифатида иштирок этаётган меҳнат муносабатларининг аксарияти норасмий кўринишга эга.

МЕҲНАТ КОДЕКСИГА МУВОФИҚ ИШ БЕРУВЧИЛАР ВА ХОДИМЛАРНИНГ МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИГА КИРИШИШИДАН ҚОЧИШНИНГ САБАБЛАРИ НИМАДА?

Маълум бўлишича, ёш аёлларнинг меҳнат қонунчилигида замонавий иш берувчи тақдим этишдан манфаатдор бўлмаган кўплаб имтиёزلар мавжудлиги сабабли расман иш топиш имконияти паст. Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг амалдаги нормалари асосан талаб қилинмаганлигича қолмоқда.

Меъёрларнинг гендер тенглиги тамойилларига мувофиқлигини таъминлаш талаби **билвосита камситишнинг** мавжудлиги меъёрларини чуқур ўрганишни назарда тутаяди, бу жуда мураккаб ва нафақат ушбу масала

бўйича мавжуд қонунчилик базасини, балки ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича ҳам чуқур билимни талаб этади. Қўплаб халқаро йўриқномалар билвосита камситишни белгилайди, аниқ мисоллар келтиради, аммо ўрнатилган фарқлар ёки гендер-нейтрал меъёрлар, агар улар жинс билан боғлиқ бўлмаган объектив омиллар туфайли юзага келган бўлса, камситиш бўлмаслиги мумкинлигини тан олади. Гендер тенглиги призмаси орқали белгиланган меъёрларни қўллаш оқибатларини башорат қилиш мумкин бўлганда, тартибга солинадиган соҳадаги вазиятларни башорат қилиш тартибини қўллашда вазифа сезиларли даражада осонлашади⁷.

Шундай қилиб, **Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”**ги Қонунида гендер сиёсатини амалга оширишни таъминлаш бўйича вақтинчалик махсус чора-тадбирлар, яъни ижобий дискриминация чоралари кўзда тутилган. Қонуннинг 5-моддасига кўра, бундай чоралар гендер дискриминациясини ташкил этмайди.

Бундай ҳолда, биз аёллар ва эркеклар ўртасидаги тенгликка эришиш муаммоси ҳақида гапираемиз. Бундай ҳужжатларни кўриб чиқишда гендер тенглигини таъминлаш бўйича махсус чоралар мавжудлиги текширилиши керак.

Бу ўринда хотин-қизларга нисбатан имтиёзли нормаларнинг киритилиши томонларнинг тенг ҳуқуқчилигини таъминлашга мисол тариқасида Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига ажрашишнинг ҳуқуқий тартибга солинишини келтириш мумкин. Ажрашиш билан боғлиқ қоидалар, асосан, гендер симметрик бўлса-да, эрнинг аёл ҳомиладорлик даврида ва бола туғилгандан кейин бир йил ичида унинг розилигисиз никоҳни бекор қилиш ҳуқуқини чеклаш каби истиснолар мавжуд. Бизнинг фикримизча, айти тенгсизлик тенгликни таъминлайдиган ҳолатлардан биридир: бу вақтда аёл жисмоний ва психологик қийинчиликларни бошданкечиради, ғамхўрликка муҳтож ва ҳоказо. Ниҳоят, у оналикнинг энг муҳими жтимоий функциясини бажаради. Ҳатто бир томонлама ажрашишнинг мумкин эмаслиги, баъзи ҳолларда ажрашиш учун фақат расмий тўсиқ бўлса ҳам, Оила кодексига белгиланган кечиктириш зарур деб тан олинади, бу ҳуқуқни қўллашамалиёти билан тасдиқланган.

Бошқа сабаблар қаторида жамиятимизда илдиз отган стереотипларни ҳам қайд этиш лозим.

Доимий стереотиплар меҳнат тақсимооти, оиладаги роллар ва мажбуриятлар (масалан, уй юмушлари, болалар ва бошқа қарамоғидагилар (кекса ёки ногирон қариндошлар)га ғамхўрлик қилиш), тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун молиявий ресурслардан фойдаланиш, шунингдек,

7 IVбобда прогноз қилиш методологияси ҳақида батафсил ёритилган.

аёллар ва эркакларнинг жамиятдаги нисбий мавқеи ва ўрни каби масалаларга нотўғриёндашувни белгилаб берди.

Шу билан бирга, **Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенциянинг 5-моддасида** иштирокчи давлатларни барча зарур чораларни кўришга, “жинслардан бирининг пастиги ёки устунлиги ёхуд эркаклар ва аёлларнинг стереотип роллари ғоясига асосланган хурофотларни йўқ қилишга, урф-одатлар ва бошқа барча амалиётларни бекор қилишга эришиш учун эркаклар ва аёллар хатти-ҳаракатларининг ижтимоий ҳамда маданий шаклларини ўзгартириш”га чақиради.

Масалан, оммавий ахборот воситалари, реклама тўғрисидаги конун ҳужжатларини баҳолашда НХҚ матнида аёлларнинг ва эркакларнинг ижтимоий роли ва масъулияти ҳақидаги стереотипик ғояларни такрорловчи ёки таъкидловчи, жинсий ёки жинсга қарши зўравонликка асосланган камситишни маъқуллайдиган ёхуд кўзгатадиган материаллардан оммавий ахборот воситаларида ва рекламада фойдаланишнинг олдини олиш механизми мавжудлиги текширилиши мумкин.

Бундай меъёрларни аниқлаш учун кўриб чиқиладиган НХҚнинг эркаклар ва аёллар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар соҳасидаги мавжуд вазиятга таъсири ҳақидаги саволга жавоб бериш муҳимдир⁸.

Айнан иккинчи талабни амалга оширишда мажбурий гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказишнинг афзалликлари кўринади, бу гендер тенгсизликни бартараф этишда мавжуд ва мумкин бўлган тўсиқларни аниқлаш ва бартараф этиш имконини беради.



ЭЪТИБОР БЕРИНГ!

НХҚ ва уларнинг лойиҳаларини гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда кўриб чиқиладиган нормалар, гўё эркаклар ва аёллар учун гендер тенгсизлиги ёки камситиш сифатида тавсифланиши мумкин бўлган оқибатлар нуқтаи назаридан баҳоланади.

8 “Гендер-ҳуқуқий экспертизани ўтказиш тартибига босқичлари” бобида батафсил (муаллиф изоҳи).

3-талаб



НХХ матнида ёки унинг лойиҳасида турли талқинларни истисно этувчи атамаларнинг бир хилда ишлатилишини текшириш.

Бу талаб Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелда қабул қилинган “**Норматив- ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида**”ги Қонунига илова қилинган “**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек уларга илова қилинадиган ахборот-таҳлилий материалларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг ягона услубиёти**” да ҳам назарда тутилган.

Жумладан, “Лойиҳа матни ва тузилишига қўйиладиган талаблар”, деб номланган 2-бобида лойиҳа матни ихчам, содда ва тушунарли тилда тақдим этилиши, турли талқинлар ва номувофиқликларга олиб келмаслиги кераклиги белгиланган (3-банд). Лойиҳа матни жумлаларнинг гсодалиги ва қисқалиги, матннинг аниқлиги ва тақдимотнинг изчиллиги кабиталабларга жавоб бериши керак (4-банд). Концепция ёки атаманинг таърифи унинг мазмунини тўлиқ очиб бериши керак. Тушунча ёки атамани бир хил тушунча ва атама орқали, шунингдек, ўзи белгиланиши зарур бўлган бошқа тушунча ва атамалар орқали белгилашга йўл қўйилмайди (7-банд).

Бундан ташқари, бундай талаб гендер-ҳуқуқий экспертизанинг лингвистик таркибий қисми ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг гендер нейтраллиги НХХ матнида тегишли гендер-нейтрал тоифалардан (ҳодим, партия, ариза берувчи, суғурталовчи ва бошқалар) фойдаланиш орқали эришилади.

“Аёл”, “эркак”, “она”, “ота” ва бошқа тоифалар ҳуқуқий тартибга солинишида жинсларнинг биологик хусусиятларини ҳисобга олиш учун ишлатилиши керак, лекин ижтимоий ролларда эмас.



ЭЪТИБОР БЕРИНГ!

Шундай қилиб, НХХ лойиҳаларини ишлаб чиқувчилар томонидан ушбу талабнинг бажарилмаслиги НХХ лойиҳаларини ҳуқуқий ва техник жиҳатдан расмийлаштириш қодаларининг бузилиши ҳисобланади, бунинг натижасида юридик хизмат лойиҳани тегишли изоҳлар билан қайта кўриб чиқиш учун қайтаради.

IV БОБ. ГЕНДЕР-ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРТИЗАНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ВА БОСҚИЧЛАРИ

Гендер-ҳуқуқий экспертиза икки мустақил ҳолатда амалга оширилади



НХХнинг гендер-ҳуқуқий экспертизаси ташкилотларнинг таклифлари бўйича Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва Низом билан тасдиқланган схема бўйича ҳар уч йилда бир марта тасдиқланадиган режа асосида амалга оширилади (*5-илова*).

Тасдиқланган режага куйидагилар қиради:

- гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказиладиган НХХ номи;
- гендер-ҳуқуқий экспертиза ўтказиш учун масъул давлат органи;
- гендер-ҳуқуқий экспертиза муддатлари.

Масъул давлат органи режада белгиланган муддатларда НХХнинг гендер тенглиги тамойилларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосани таҳлилий ҳисобот ва тегишли таклифлар билан Адлия вазирлигига киритади.

Низомнинг алоҳида боби НХХ лойиҳаларининг гендер-ҳуқуқий экспертизасини ўтказиш тартибига бағишланган. Ушбу бобда НХХ лойиҳасини ишлаб чиқувчи томонидан тайёрланган гендер-ҳуқуқий экспертиза тўғрисидаги хулосани тайёрлашнинг ташкилий кетма-кетлиги ва уни кейинчалик Адлия вазирлигига жўнатиш батафсил тавсифланган, бу ерда, аслида, ушбу экспертиза ҳуқуқий, коррупцияга қарши ва бошқа экспертизалар билан бир қаторда амалга оширилади (*6-илова*).

Таъкидланишича, гендер-ҳуқуқий экспертиза нагизлари бўйича салбий хулоса НХХларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш учун асос бўлади. Аммо ушбу қўлланмада биз НХХларни такомиллаштириш бўйича хулоса ва таклифларни тайёрлаш учун гендер-ҳуқуқий экспертиза ўтказишнинг кетма-кетлигини, босқичларини ва унинг мазмунини кўриб чиқамиз.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг гендер-ҳуқуқий экспертизаси қуйидагиларни ўз ичига олади:



тартибга солинадиган соҳадаги вазиятларни прогноз қилиш ва агар НХХ лойиҳаси қабул қилинадиган бўлса, турли жинс вакиллари учун турли хил оқибатларга олиб келадиган нормалар ва қоидаларни аниқлаш



НХХ лойиҳасини қабул қилиш натижасида юзага келиши мумкин бўлган оқибатларни узоқ муддатли баҳолаш



тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш



ЭЪТИБОР БЕРИНГ!

Идеал ҳолда, гендер масалалари бутун қонунчилик жараёнида эътиборга олиниши керак, амалдаги қонунчилик мониторинги ҳам гендер тенглиги нуқтаи назаридан баҳоланиши керак.

1 босқич

тартибга солинадиган соҳадаги вазиятларни прогноз қилиш ва агар НХХ лойиҳаси қабул қилинадиган бўлса, турли жинс вакиллари учун турли хил оқибатларга олиб келадиган нормалар ва қоидаларни аниқлаш

Экспертиза ўтказадиган мутахассисларнинг мажбурий ҳаракатлари кетма-кетлигини бир неча босқичларга бўлиш мумкин.

1-қадам. Муаммони белгилаш

Ушбу босқичда қўриб чиқиладиган НХХ нормаларининг Конституция ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар билан алоқаси ўрганилади.

НХХни Ўзбекистон Республикаси “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқлигини ўрганишда қуйидагиларни аниқлашга эътибор қаратилади:

- НХХнинг ёки унинг лойиҳасининг ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги ҳолат билан боғлиқлиги, бунинг учун ушбу экспертиза доирасида статистик маълумотлардан фойдаланилади ёки махсус сўровлар ўтказилади;
- гендер тенглигини таъминлаш муаммоси, унинг пайдо бўлишига ёрдам берган сабаблар ва омилларни аниқлаш;
- экспертларнинг мумкин бўлган ноҳолислигини бартараф этиш ва бошқалар.

Гендер-ҳуқуқий экспертиза, биринчи навбатда, ҳуқуқни қўллаш амалиётини (амалдаги НХХлар учун), реал вазиятни (НХХ лойиҳалари учун) аниқлаш учун зарур бўлган дезагрегация кўринишидаги маълумотларни тўлиқ йиғишга, соҳадаги эркаклар ва аёлларнинг амалий ва стратегик эҳтиёжлари ва устуворликларини аниқлашда тажриба ва билимга эга тегишли манфаатдор томонларни жалб қилишга асосланади.

Бунинг учун энг ишончли маълумотларни олиш мақсадида йўналтирувчи саволлар ишлаб чиқилади.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги реал вазиятни аниқлаш учун айрим масалаларни ҳал этишда эркаклар ва аёлларнинг мақоми ва ролини аниқлаш қатта аҳамиятга эга. Бу, асосан, ресурсларга эгалик қилиш ва уларни назорат қилиш билан боғлиқ. Эгалик қилиш ресурсдан фойдаланиш қобилияти сифатида аниқланади. Назорат–бу ресурсдан қандай фойдаланиш ва унга кимнинг алоқаси бўлишини танлаш ҳуқуқидир. Аёллар кўпинча эгалик ҳуқуқига эга, аммо назорат ҳуқуқидан маҳрум.

Асосий мақсад бўлмиш – муаммони аниқлаш ва ҳал қилишга эришиш йўлларини тўлиқ акс эттирувчи саволларни шакллантириш учун ишлаб чиқилган кўплаб воситалар мавжуд. Шунинг учун, фойдаланадиган восита ёки усулдан қатъи назар, маълумот ҳар қандай ҳолатда гендер-нейтрал бўлмаслиги керак, эркаклар ва аёллар, ўғил болалар ва кизлар ўртасидаги фарқларни ҳисобга олиши, шунингдек, бу фарқларнинг сабаблари ҳақида саволлар беришлари керак.

КАЛИТ САВОЛЛАР:

НХХ қучга кирган ёки қабул қилиш кўзда тутилган соҳада эркаклар ва аёлларнинг ҳозирги ҳолати қандай? Салбий ҳолатлар аниқланса, сабаблари нимада?

Ҳуқуқни қўллаш амалиётини мониторинг қилиш бўйича гендер статистикасини юритиш Ўзбекистон учун гендерни ҳисобга олган ҳолда янгилик эканлигини эътиборга олсак, айрим ҳолларда етарлича маълумотлар йиғилмаганлиги ёки уларни ўлчаш қийинлиги сабабли мавжуд бўлмаслиги мумкин. Маълумотларнинг етишмаслиги НХХ (ёки унинг лойиҳаси) таъсирининг самарадорлигини баҳолашга таъсир қилиши мумкин. Агар маълумотлар йўқлиги сабабли тадқиқот охирига етказилмаган бўлса, келажакда самарали гендер таҳлилини ўтказишни таъминлаш учун НХХ мониторинги бўйича таклифлар ҳам ишлаб чиқиш мумкин.

Таҳлил қилинаётган НХХ ёки унинг лойиҳасида, биринчи навбатда, гендер юкига эга бўлган атамаларни (масалан, “аёл”, “эркак”, “жинс”, “оналик”, “оталик” ва ҳ.к.) таъкидлайдиган нормаларни ажратиш кўрсатиш таклиф этилади. Шунини таъкидлаш керакки, улар кўпгина НХХда мавжуд эмас.

Сўнгра тўғридан-тўғри жинсни ифодалаган атамаларни ўз ичига олмаса ҳам, бевосита ёки билвосита, эркак ёки аёлнинг ҳуқуқий ҳолатига турлича таъсир қилиши мумкин гендер-нейтрал нормалар алоҳида ажратилади.

Таҳлилнинг ушбу босқичида мутахассис-маслаҳатчиларни жалб этиш тўғрисида масалани ҳал этиш тавсия этилади.



ЭЪТИБОР БЕРИНГ!

Гендер таҳлили, биринчи навбатда, гендер муаммоларини аниқлаш, ишончли ва зарур маълумотларни тўплаш, жамиятдаги гендер тенденцияларини тушуниш, ушбу билимлардан ечим топишда фойдаланиш кўникмалари билан боғлиқлигини ҳисобга олиб, гендер тенглиги масалаларига ихтисослашган олимларни, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга мўлжалланган нодавлат-нотижорат ташкилотларини, кўриб чиқиладиган соҳада қолган гендер муаммоларни кўрсатиши мумкин бўлган бошқа инсон ҳуқуқлари ташкилотларини бу ишга жалб этиш мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга, мазкур чора-тадбирлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштирилиши таъкидланади.

2-қадам. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормалари ёки унинг лойиҳасини таҳлили

Ҳуқуқий

У ёки бу даражада у ёки бу жинсдаги шахсларнинг ҳуқуқларига дахлдор бўлган барча ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларини таҳлилин аналга ошириш лозим. Агар гендер атамалари тўғридан-тўғри белгиланмаган бўлса, камситишнинг билвосита омилларини аниқлаш мақсадга мувофиқ.

КАЛИТ САВОЛЛАР:

Ушбу ҳуқуқий ҳужжатнинг гендерга ҳос нормаларининг аҳамияти нимада?

Тўғридан-тўғри гендер мазмунига эга бўлмаган нормалар турли жинс гуруҳлари ҳолатига маълум бир тарзда таъсир қилиши мумкинми?

Институционал

Ҳар бир ҳуқуқ унинг амалга оширилишини таъминлайдиган ваколатли мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари орқали кўриб чиқилиши тавсия этилади. Шу боис Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар

учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, экспертиза қилинаётган муносабатлар соҳасида гендер тенглигини таъминлашга масъул бўлган давлат органларини белгилаш таклиф этилмоқда.

Шундай қилиб, кўриб чиқилаётган НХХнинг ишлаш механизми аниқланади, унинг натижаси эса гендер тенглиги тамойилларига риоя қилишдир.

Ижтимоий

Йиғилган маълумотлар таҳлил жараёнида эркаклар ва аёлларнинг амалий ва стратегик эҳтиёжларини аниқлашда ёрдам беради.

Эҳтиёжларни таҳлил қилиш, одатда, иккита омилга қаратилади:

Амалий эҳтиёжлар – бу аёллар ва эркакларнинг жамият томонидан белгиланган гендер ролларидан келиб чиққан ҳолда кундалик ҳаёт шaroитларидан келиб чиқадиган эҳтиёжлар. *Улар кўпинча ота-оналик ва уй ишлари билан боғлиқ бўлиб, одатда эркакларга қараганда аёлларга юқлатилади.*

Стратегик эҳтиёжлар. Бу эҳтиёжлар аёлларнинг имкониятларини кенгайтиришни ўз ичига олади ва муайян ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий шaroитларга боғлиқ. Одатда, бу эҳтиёжлар тенглик масалалари билан боғлиқ бўлиб, аёлларнинг бошқарув қарорларини қабул қилишда иштирок этиш имкониятларидан тенг фойдаланиш, ишга жойлашиш ва ўқитиш, тенг ҳақ тўлаш, моддий ва молиявий ресурслардан тенг фойдаланиш ва назорат қилишни ўз ичига олади.

Махсус эҳтиёжлар. Бундай эҳтиёжлар дин, миллат, ёш, ногиронлик ва бошқа омиллар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Экспертиза фаолиятнинг доирасида куйидаги манбалардан фойдаланилади:

- Суд статистикаси;
- Фуқароларнинг мурожаатлари бўйича натижалар;
- Жамоатчилик фикрини (тажриба кўринишида) ўрганиш;
- Таҳлил қилинаётган НХХ билан тартибга солинадиган муносабатлардаги камситиш фактлари кўрсатилган бошқа маълумотлар (оммавий ахборот воситаларида, илмий мақолаларда).

КАЛИТ САВОЛЛАР:

Кўриб чиқилаётган НХХнинг эркаклар ва аёллар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар соҳасидаги ҳозирги вазиятга таъсирини қандай?

Халқаро ва хорижий тажрибани ўрганиш

Ушбу босқичда миллий норма ижодкорлигида қўллаш мақсадида хорижий қонунчиликнинг илғор тажрибаларини аниқлаш бўйича ишлар амалга оширилади.

НХХ ёки унинг лойиҳасини ўрганаётганда, эксперт гендер тенглиги тамойилларига бир қарашда мос келадиган, аммо амалиётда уларни қўллаш натижасида гендер тенглигига эришишнинг реал имкониятларига салбий таъсир кўрсатилиши мумкин бўлган нормаларга эътибор бериши керак. Ушбу босқичда кўриб чиқиладиган масалалар бўйича илмий тадқиқотлар жуда фойдали бўлади.

КАЛИТ САВОЛЛАР:

Қандай ёндашувлар ёки тактикалардан фойдаланишимиз мумкин?

Бошқа мамлакатларда /минтақаларда қандай энг яхши амалиётлар қўлланилади? Биз уларни қўллай оламизми?

Шундай қилиб, НХХ ёки унинг лойиҳасини дастлабки баҳолаш ишлаб чиқилади, бу ушбу НХХ ёки унинг лойиҳасини қабул қилиниши эркаклар ва аёллар ўртасидаги тенглик ҳолати учун **ижобий, салбий ёки нейтрал оқибатларга** олиб келиши эҳтимолини баҳолашга имкон беради. Асосий масала – НХХ ёки унинг лойиҳаси аёллар ва эркаклар ўртасидаги гендер номуносаблигини камайтирадимиз, сақлаб қоладимиз ёки кучайтирадимиз.

2 Босқич

НХХ лойиҳасини қабул қилиш натижасида юзага келиши мумкин бўлган оқибатларни узоқ муддатли баҳолаш

Кўриниб турибдики, экспертнинг ушбу босқичида 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси йўналтирувчи мезон сифатида фойдали бўлиши мумкин. Хусусан, НХХ лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида юзага келиши мумкин бўлган оқибатларнинг узоқ муддатли баҳолаши кўриб чиқиладиган НХХ нормаларини ёки унинг лойиҳасини Гендер стратегиясининг 4-бобида кўрсатилган устувор йўналишлари, шунингдек, БМТнинг 2030 йилгача бўлган даврга мўлжалланган БРМга мувофиқ “Гендер тенглигига эришиш” бешинчи мақсадига эришиш бўйича ишлаб чиқилган миллий мақсад ва кўрсаткичлар билан таққослаш йўли орқали ишлаб чиқиши мумкин.

Амалдаги НХХ ни узоқ муддатли баҳолашни аниқлашда статистик маълумотлардан ва уларнинг маълум бир давр учун йиллар бўйича ўзгаришлар динамикасида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шундай қилиб, кўриб чиқиладиган НХХ лойиҳасининг қабул қилиниши келажакда жамиятдаги

эркаклар ва аёлларнинг аҳолига қандай таъсир қилиши мумкинлигини аниқлашга ёрдам беради.

Гендер таҳлилини ўтказиш бўйича халқаро тавсияларда таъсирни ўлчаш асосий компоненти қайд этилган бўлиб, у вакиллик, ресурсларидан фойдаланиш ва назорат қилиш, ҳуқуқдан фойдаланиш нуктаи назаридан амалга ошириладиган таҳлил ҳисобланади. Фикримизча, бундай ёндашув НХХ лойиҳасини қабул қилиш натижасида юзага келиши мумкин бўлган оқибатларни узоқ муддатли баҳолаш бўйича хулоса ишлаб чиқишда ҳам фойдали бўлади.

- **Вакиллик** – қонуннинг мақсади аҳолининг гендер таркибига таъсири ва раҳбарлик лавозимларида аёллар ва эркаклар вакиллиги.
- **Ресурслар** – вақт, мақон, ахборот ва пул, сиёсий ва иқтисодий қудрат, таълим ва ўқиш, иш ва касбий мартаба, янги технологиялар, тиббий хизматлар, уй-жой, транспорт воситалари ва дам олиш каби муҳим ресурсларни тақсимлашда қонуннинг таъсири.
- **Ҳуқуқлар** – қонуннинг ҳуқуқий, сиёсий ёки ижтимоий-иқтисодий муҳитда яширин ёки очик-ойдин гендер камситилишига, инсон ҳуқуқларига ва адолатга эришишга таъсири.
- **Воқелик** – қонуннинг ҳақиқий ва идрок этилган гендер ролларига, меҳнатнинг гендер тақсимолига, аёллар ва эркакларнинг муносабати ва ҳулқ-атворига таъсири.

КАЛИТ САВОЛЛАР:

НХХда (лойиҳада) ҳуқуқни қўллаш амалиётида эркаклар ва аёллар позицияларидаги мавжуд тенгсизликни бартараф этишга қаратилган қандай чора-тадбирлар (шужумладан, вақтинчалик чоралар) назарда тутилган?

НХХни ишлаб чиқиш жараёнида эътиборга олинмай қолган гендер тенглиги билан боғлиқ янги муаммолар аниқландими? Уларни қандай ҳал этиш мумкин?

Амалдаги НХХни ўрганишида эркаклар ва аёллар ҳолатида тенгликни таъминлашда аниқ мақсадларга эришиш мониторингини амалга ошириш билан боғлиқ масалани кўриб чиқиш таклиф этилади.

Агар ўтказилган гендер экспертизаси натижасида фуқаролар учун жинсга қараб турли оқибатларга олиб келиши мумкинлиги аниқланса, ушбу муаммони ҳал этиш вариантларини ишлаб чиқиш керак.

Бундай ҳолда, баъзи элементларга эътибор бериш тавсия этилади.

Ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар аниқ бўлиши билан бир қаторда, декларация ва пафосдан қочиш керак.

Прагматизм – бу нима қилиш мумкинлиги борасида реалистик танловдир. Бу ерда SWOT таҳлили фойдали бўлиши мумкин.

- (Strengths) кучли томонлар;
- (Weaknesses) заиф томонлари;
- (Opportunities) имкониятлар;
- (Threats) таҳдидлар.

КАЛИТ САВОЛЛАР:

Таклиф ва тавсияларнинг аниқлиги?

Белгиланган мақсадларга эришиш учун қайси вариантлар энг самарали ва таъсирчан бўлади?

Таклиф ва тавсияларни амалга ошириш билан қандай молиявий харажатлар боғлиқ?

Ушбу таклифнинг аёллар учун ижтимоий ва иқтисодий фойдаси ҳужуматга тушадиган харажатлардан қўпроқ бўладими?

Ушбу босқич доирасида НХҚ (бошқарув қарори) ни амалга оширилиши юзасидан кузатув ташкил қилиш бўйича чора-тадбирлар ҳам таклиф қилиниши мумкин, агар гендер экспертизасини ўтказиш жараёнида унинг инсонларга жинси бўйича таъсири натижаларини аниқлашнинг иложи бўлмаган бўлса. Аёллар учун тенгликни таъминлашда НХҚ нинг самарадорлиги ва таъсирчанлигини аниқлаш учун мониторингнинг ўта муҳимлигини гендер таҳлили методологияси бўйича барча мутахассислар бир овозда қўллаб-қувватлашини алоҳида қайд этиш керак.

НХҚ ва улар лойиҳаларининг гендер-ҳуқуқий экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда қуйидагиларга эътибор қаратилади:

НХҚ ёки унинг лойиҳаси гендер тенглигига эришиш давлат сиёсатига мувофиқлиги.

Шу ўринда сўнгги йилларда Ўзбекистонда гендер тенглигини, хотин-қизларнинг жамият ва давлат ҳаётидаги иштирокини таъминлаш борасида амалга оширилган улкан ишларга эътибор қаратиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2021 йил 22 феврал куни асосий йиллик сиёсий тадбир–БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида Ўзбекистонда демократик ислохотларни амалга ошириш бўйича белгиланган устувор вазифалар ҳамда республиканинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши доирасидаги фаолияти борасида тўхталар экан, жумладан шундай деган эди: “Гендер сиёсати масалаларида биз хотин-қизларнинг давлатимизнинг жамоат, сиёсат ва ишбилармонлик ҳаётидаги ролини тубдан ошириш ниятидамиз”.

Мамлакатдаги ҳозирги гендер вазият, НХХ ёки унинг лойиҳасининг келажақдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятга таъсири, эркаклар ва аёлларнинг роли.

Аёллар ва эркаклар ўртасидаги тенглик тамойилини тарғиб этиш демократик бошқарувнинг асосий ва ажралмас қисми эканлиги ҳақидаги тушунча жамиятда тобора кенгайиб бормоқда. Ушбу тамойилни илгари суришда тартибга солувчи регулятор ролини ҳисобга олган ҳолда, аёллар ва эркаклар мақомидаги ижобий ёки аксинча, салбий ўзгаришлар ҳақида умумий тасаввурни шакллантириш зарур. НХХларнинг жамиятда гендер тенглигини таъминлашга таъсирини узоқ муддатли баҳолашни шакллантириш юқорида гендер таҳлили бўлимида батафсил муҳокама этилган.

Гендер-ҳуқуқий экспертиза ўтказишда фойдаланиладиган маълумотлар расмий ва норасмий бўлиши мумкин.

РАСМИЙ МАЪЛУМОТЛАРГА ҚУЙИДАГИЛАР КИРАДИ:

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунида НХХнинг тушунчаси ва турлари белгиланган бўлиб, уларга мувофиқ НХХнинг турлари қуйидагилардир:

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
- Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталари қарорлари;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;
- вазирлик, давлат қўмиталари ва идораларининг буйруқ ва қарорлари;
- жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

Халқаро шартномалар

“Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлат, халқаро ташкилот ёки халқаро шартномалар тузиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа ташкилотлар билан ёзма шаклда тузадиган, халқаро ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган, у бир ҳужжатда, икки ёки ундан ортик ўзаро боғланган ҳужжатларда бўлишидан қатъи назар, шунингдек, унинг ўзига хос номи ва тузилишидан қатъи назар (*шартнома, битим, конвенция, акт, пакт, протокол, хат ёки ноталар алмашинуви ва халқаро шартнома тузишининг бошқа номлари ва усуллари*), халқаро шартномаси Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасидир.

Расмий нашрлар, шу жумладан Интернет глобал ахборот тармоғининг расмий веб-ресурслари

Уларнинг ёрдами билан давлат органлари, бошқа (давлат ёки хусусий) ташкилотлар Интернетда ўзларини, ўз манфаатларини ва/ёки мулкни тақдим этади.



ЭКСПЕРТ УЧУН МАЪЛУМОТ

Давлат органларининг расмий веб-сайтлари:

- lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси
- unece.org/fileadmin/DAM/RCM_Website/Uzbekistan.pdf – Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформасини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон ҳисоботи

Статистик маълумотлар ва ҳисоботлар:

- stat.uz – Ўзбекистон Давлат статистика қўмитасининг сайти

Арбитраж амалиёти:

- sud.uz – Ўзбекистон Республикаси Олий судининг сайти, бу ерда суд амалиётининг умумлаштиришлари ва шарҳини топишингиз мумкин.

НОРАСМИЙ МАЪЛУМОТЛАРГА ҚўЙИДАГИЛАР КИРАДИ:

- оммавий ахборот воситалари хабарлари;
- илмий нашрлар;
- Интернетнинг норасмий веб-ресурслари.



ЭЪТИБОР БЕРИНГ!

Айни пайтда давлат органларининг норма ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш, шунингдек, қонунларнинг оммавий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, суд-ҳуқуқ ислоҳотларини чуқурлаштиришга таъсирини кучайтиришга қаратилган ишлар самарадорлиги ошмоқда, қонунларнинг юқори сифатини, шу жумладан, уларни амалга оширишнинг аниқ механизмларини таъминлаш, қонун ҳужжатларининг тизимлилиги, изчиллиги ва ҳуқуқий тартибга солишнинг тўлиқлиги кўп жиҳатдан НХҚни гендер ҳуқуқий экспертизадан ўтказувчи шахсларнинг малакаси ва компетенцияларига боғлиқ.

V БОБ. ЭКСПЕРТИЗА ХУЛОСАСИ МАЗМУНИ ВА РАСМИЙЛАШТИРИЛИШИ

НХХ лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш натижаларига кўра, НХХ лойиҳасини баҳолаш мезонлари асосида ишлаб чиқилган хулоса тайёрланади (7-илова).

Хулоса мазмуни ва тартиби тасдиқланган Низомга мувофиқ бўлиши ҳамда ҳар уч йилда бир марта Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган НХХнинг гендер-ҳуқуқий экспертизасини ўтказиш режасида белгиланган муддатларда Адлия вазирлигига тақдим этилиши керак.

Хулоса қуйидагилардан таркиб топади:

- Ҳуқуқий ҳужжатлар ёки уларнинг лойиҳаларини мувофиқлиги ёки номувофиқлиги тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар;
- Аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар.

Гендер-ҳуқуқий экспертиза хулосасида ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг лойиҳаси қайси муайян қонун ҳужжатлари ёки гендер тамойилига номувофиқлиги тўғрисидаги, зарурат бўлганда, келтирилган мисоллар ва тегишли соҳада ҳуқуқни қўллаш фаолияти таҳлили натижалари билан асослангиланган аниқ маълумотлар бўлиши керак⁹.

Давлат органи томонидан ўтказилган гендер-ҳуқуқий экспертиза натижалари бўйича хулосада берилган таклифлар ва кўрсатмалар тавсиявий характерга эга.

Адлия вазирлиги бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда гендер-ҳуқуқий экспертиза хулосасини мақсадга мувофиқ ёки мақсадга мувофиқ эмас деб топиш тўғрисида қарор қабул қилади.

НХХ нормалари ва қоидалари ёки унинг лойиҳаси гендер тамойилларига номувофиқлиги тўғрисидаги хулосалар билан умумлаштирилган ҳисоботлар Адлия вазирлиги томонидан кўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш режасида белгиланган муддатларда Комиссияга топширилади.

Комиссия, умумлаштирилган маълумотларни таҳлил қилиш асосида, агар НХХда гендер тенглиги тамойилларига мос келмайдиган нормалар мавжудлиги эътироф этилган бўлса, аниқланган номувофиқликларни бартараф этиш учун НХХ ёки унинг лойиҳасини қайта кўриб чиқиш ҳамда зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш муддатларини кўрсатган ҳолда, ушбу НХХни тайёрлаш ва амалга ошириш учун масъул давлат органига юборишга ҳақли.

9 Хулоса шакли Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 мартдаги 192-сон қарори билан тасдиқланган “Гендер-ҳуқуқий экспертиза ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низомга илова қилинган ва биринчи раҳбар (алоҳида ҳолларда – биринчи ўринбосар) томонидан имзоланади.

1-илова

**Хорижий мамлакатларда қўлланиладиган гендер-ҳуқуқий
экспертиза терминологияси**

Мамлакат-лар	Гендер-ҳуқуқий таҳлил/ Қонун ҳужжатлари ва улар лойиҳаларининг гендер экспертизаси	Қонунчилик- нинг гендер таҳлили	Гендерни баҳолаш/ таъсири баҳолаш
Австралия			+
Австрия			+
Беларусь		+	
Вьетнам		+	+
Гонконг	+		
Грузия			+
Дания			+
Испания		+	+
Қозоғистон			+
Канада		+	+
Қирғизистон	+		
Македония			+
Янги Зеландия			+
Перу			+
Шимолий Ирландия			+
Фижи		+	+
Франция		+	+
Швеция		+	+

**Бевосита гендер камситишларини аниқлаш учун саволлар рўйхати
(чеклист)**

№	Саволлар	Ха	Йўқ	Жа- воб- сиз	Гендер тенглигини бузиш омилига эга бўлган норма ва уни асослаш
Миллий қонунчилик					
1.	Лойиҳа Конституция қоидаларига мос келадими?				
2.	Лойиҳа Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни қоидаларига мос келадими?				
3.	Лойиҳа Ўзбекистон Республикасининг “Аёлларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни қоидаларига мос келадими?				
4.	Лойиҳада сўзлар (терминлар) тўғри ишлатилганми?				
5.	Лойиҳа энг кўп одамлар тушуниши учун тушунарли ва содда тилда ёзилганми?				
6.	Лойиҳада номувофикликлар борми?				
7.	Лойиҳада аёллар ва эркаклар ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларда номутаносиблик борми?				
8.	Лойиҳа асоссиз равишда жинслардан бирининг фойдасига афзалликларни белгилайдики?				
Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар					
9.	НХҲ лойиҳаси Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидаларига мос келадики?				

№	Саволлар	Ҳа	Йўқ	Жавобсиз	Гендер тенглигини бузиш омилига эга бўлган норма ва уни асослаш
10.	НХХ лойиҳаси БМТнинг аёлларга нисбатан камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси қоидаларига мос келадими?				
11.	НХХ лойиҳаси ХМТнинг тенг қийматдаги меҳнат учун эркаклар ва аёллар учун тенг ҳақ тўлаш тўғрисидаги конвенцияси (06.06.1951йилдаги100-сон) қоидаларига мос келадими?				
12.	НХХ лойиҳаси ХМТнинг Бандлик ва касбда камситиш тўғрисидаги конвенцияси (04.06.1958йилдаги111-сон) қоидаларига мос келадими?				
13.	НХХ лойиҳаси БМТнинг Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактига мос келадими?				
14.	НХХ лойиҳаси БМТнинг аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси қоидаларига мос келадими?				
15.	НХХ лойиҳаси БМТнинг “Дунёмизни ўзгартириш: Барқарор ривожланиш мақсадлари – 2030. Кун тартиби”резолүцияси қоидаларига мос келадими?				

Чеклист по выявлению косвенной гендерной дискриминации

№	Саволлар	Жавоблар ва асослар
1.	Лойиха аҳолининг айрим гуруҳлари (аёллар, кизлар, эркаклар, ўғил болалар, заиф гуруҳлар) кундалик ҳаётига ижобий, салбий таъсир қиладими? Қандай қилиб?	
2.	Лойихада кўриб чиқиладиган муаммолар бевосита аёлларга таъсир қиладими? Эркакларгачи?	
3.	Лойихада гендер фарқлари аниқ ёки билвосита кўрсатилганми?	
4.	Лойиха нормалари гендер мувозанатига таъсир қиладими? Қандай қилиб?	
5.	Мақсадли гуруҳлар учун инновациялар ва ўзгаришларни қандай амалга оширишни режалаштиряпсиз?	
6.	Лойиха амалга оширилгандан кейин гендер масалалари қандай назорат қилинади?	
7.	Лойиханинг амалга оширилишини мониторинг қилиш учун статистик маълумотлар ёки кўрсаткичлар (сифат ёки миқдорий) тўпланганми?	
8.	Лойихада акс эттирилмаган гендер муаммолари борми?	
9.	Лойихага ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиш керакми?	

4-илова

**Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида гендер муаммоси қай даражада
кўриб чиқилганлигини аниқлаш учун
ТЕКШИРИШ РЎЙҲАТИ**

№	Саволлар	Мав- жуд	Мавжуд эмас	Эксперт эслатмаси
1. Умумий қоидалар				
1.1.	Лойиҳани ишлаб чиқиш учун асослар			
1.2.	Лойиҳа ишлаб чиқувчисинингтўлиқ номи			
1.3.	Лойиҳани ишлаб чиқишдан мақсад			
1.4.	Лойиҳани ишлаб чиқиш учун вазифаларнингмавжудлиги			
1.5.	Лойиҳа предметинингмавжудлиги			
2. Қабул қилиш заруриятини аниқлаш				
2.1.	Лойиҳани қабул қилиш зарурлигини тасдиқловчи статистик (миқдорий), таҳлилий ва бошқа ахборот маълумотлари (кўрсаткичлари) мавжудлиги			
2.2.	Тадқиқот натижаларининг мавжудлиги (мақсадли тадқиқотлар, сўровлар, жамоатчилик фикри, интервьюлар ва бошқалар)			
2.3.	Ижобий хорижий тажриба: -давлат; -ҳужжат тури; -ҳужжат номи; -ҳужжатнингқисқача мазмуни			
2.4.	Молиявий-иқтисодий асослаш: лойиҳа қоидаларини амалга ошириш қўшимча молиявий харажатларни талаб қилади ёки давлат бюджетига йўқотишларга олиб келади; лойиҳа қоидаларини амалга ошириш қўшимча молиявий харажатларни талаб этмайди ёки давлат бюджетига йўқотишларга олиб келмайди			
3. Лойиҳа бандларининг бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқлиги				
3.1.	Лойиҳа бандларининг Конституцияга мувофиқлиги			
3.2.	Лойиҳа бандларининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлиги			

№	Саволлар	Мав-жуд	Мавжуд эмас	Эксперт эслатмаси
3.3.	Лойиҳа қоидаларининг бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқлиги			
3.4.	Лойиҳанинг қабул қилиниши муносабати билан бошқа НХХга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки уларни ўз кучини йўқотган деб топиш зарурати мавжудлиги ёки йўқлиги.			
3.5.	Лойиҳада қўлланиладиган бошқа НХХга ҳар бир ҳаволани асослаш			
3.6.	Лойиҳа бандларининг халқаро ҳужжатларга мувофиқлиги: -декларациялар; -конвенциялар; -пактлар; -протоколлар			
4. Лойиҳанинг асосий бандлари				
4.1.	Тартибга солинадиган масала тамойиллари ҳақида маълумот			
4.2.	Бўлимлар, кичик бўлимлар, боблар, параграфлар ва мақолалар мазмуни билан лойиҳанинг тузилишини тақдим этиш			
4.3.	Лойиҳанинг энг муҳим қисмини ташкил этувчи қоидаларнинг асосий моҳиятини очиб бериш			
4.4.	Лойиҳани қабул қилишдан кутилаётган натижалар			
5. Лойиҳа муҳокамаси				
5.1.	Лойиҳани жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш ва унинг натижаси			
5.2.	Лойиҳа ва унинг натижасини профессионал муҳокама қилиш			
5.3.	НХХ лойиҳаларини муҳокама қилиш порталида лойиҳа муҳокамасини ўтказиш ва унинг натижаси			
6. Лойиҳани тасдиқлаш				
6.1.	Лойиҳани манфаатдор вазирлик ва идоралар билан тасдиқлаш тўғрисидаги маълумотлар			
6.2.	Лойиҳа бўйича келишмовчиликлар мазмунининг қисқача резюмеси ва улар бўйича асослантирилган фикр (агар келишмовчиликлар мавжуд бўлса)			

5-илова

**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг гендер-ҳуқуқий
экспертизасини ўтказиш тартиби
СХЕМАСИ**

Босқич-лар	Ижрочилар	Чора-тадбирлар	Ижро муддати
1-босқ- ич	Адлия вазирлиги	НХХ гендер экспертизасини ўтказиш режасини шакллантириш бўйича ўз таклифларини юбориш илтимоси билан мурожаат қилиш.	Режа лойиҳасини шакллантиришдан олдин
2-босқ- ич	Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар	Давлат органлари гендер-ҳуқуқий экспертиза ўтказиш учун ўз фаолиятининг тегишли йўналишлари бўйича қабул қилинган, биринчи раҳбар (алоҳида ҳолларда – биринчи ўринбосар) томонидан тасдиқланган НХХ рўйхатини Адлия вазирлигига тақдим этади.	Адлия вазирлигининг сўровида кўрсатилган муддатларда
3-босқ- ич	Адлия вазирлиги	<ol style="list-style-type: none"> 1. Давлат органлари томонидан киритилган таклифларни умумлаштириш. 2. Режа лойиҳасига ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилган таклифлар киритилиши мумкин. 3. Режа лойиҳасини тасдиқлашдан олдин Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссиясига тасдиқлаш учун юбориш (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади). 4. Режани тасдиқлаш. 	Биринчи чорада ҳар уч йилда бир марта

4-босқ- нч	Давлат органлари ва бошқа ташкilotлар	1. Режада кўрсатилган норматив- хукукий ҳужжатларнинг гендер- хукукий экспертизасини ўтказиш. 2. Адлия вазирлигига НХХнинг гендер тенглиги тамойилларига мувофиқлиги ёки номувофиқлиги тўғрисидаги таҳлилий маълумотларни ва тегишли таклифларни ўз ичига олган хулосани тақдим этиш.	Режада белгиланган муддатлар
5-босқ- нч	Адлия вазирлиги	1. Қонун ҳужжатларининг гендер тенглиги тамойилларига мувофиқлиги тўғрисидаги гендер- хукукий экспертиза бўйича давлат органлари томонидан тақдим этилган фикрни ўрганиш. 2. Ўрганиш натижаларига кўра, тақдим этилган хулосани мақсадга мувофиқ ёки йўқлигини белгилаш.	1 ой
6-босқ- нч	Адлия вазирлиги	Гендер тенглиги тамойилларига мос келмайдиган меъёрий-хукукий ҳужжатлар юзасидан тайёрланган фикр-мулоҳазаларни Комиссияга кўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш учун тақдим этиш.	Режада белгиланган муддатда
7-босқ- нч	Комиссия	Умумлаштирилган хулосалар таҳлили асосида, агар НХХда гендер тенглиги тамойилларига мос келмайдиган нормалар мавжудлиги эътироф этилган тақдирда, ушбу НХХни тайёрлаш ва амалга ошириш учун масъул бўлган давлат органига уни қайта кўриб чиқиш ва зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш бўйича муддатлари белгиланган ҳолда кўрсатма юборилади.	Зарур бўлганда

6-илова

Гендер-ҳуқуқий экспертиза ўтказиш СХЕМАСИ

Бос-кич-лар	Ижрочи-лар	Ҳаракатлар	Ижро муддати
1-бос-кич	Давлат органлари ва бошқаташкилотлар (НХХ ишлаб чикувчилари)	<ol style="list-style-type: none"> 1. НХХ лойиҳаси (кейинги ўринларда лойиҳа деб юритилади) бўйича ўтказилган гендер-ҳуқуқий экспертиза натижалари юридик хизматнинг тегишли лойиҳа бўйича ҳуқуқий хулосасида акс эттирилади. 2. Лойиҳа гендер тенглиги тамойилларига номувофиклиги аниқланса, у юридик хизмат томонидан тегишли изоҳлар билан масъул таркибий бўлинмага қайта ишлаш учун қайтарилади. 	Зарур ҳолларда
2-бос-кич	Ҳужжат-нишлаб-чикувчи	Биринчи раҳбар (алоҳида ҳолларда – биринчи ўринбосар) томонидан маъқулланган лойиҳа гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказилгандан сўнг белгиланган тартибда тасдиқлаш учун манфаатдор бўлимларга юборилади.	Лойиҳа бўйича юридик хизматнинг ҳуқуқий хулосасини олгандан кейин
3-бос-кич	Манфаатдор орган ва идоралар	Мувофиқлаштириш жараёнида улар гендер-ҳуқуқий экспертиза ўтказиб, лойиҳа бўйича ўз таклиф ва мулоҳазаларини ишлаб чикувчиларга тақдим этишлари мумкин.	Зарур ҳолларда
4-бос-кич	Ҳужжат-нишлаб-чикувчи	Адлия органига ҳуқуқий экспертиза, шу жумладан, гендер-ҳуқуқий экспертиза учун юборади.	Органлар ва ташкилотлар билан келишилгандан кейин
5-бос-кич	Адлия органлари	<ol style="list-style-type: none"> 1. Гендер-ҳуқуқий экспертиза ўтказилади, унинг доирасида улар лойиҳанинг гендер тенглиги тамойилларига мувофиқлигини аниқлайди, бевосита ёки билвосита камситиш учун шароит яратишга ёрдам берадиган нормаларни аниқлайди. 2. Гендер-ҳуқуқий экспертиза натижалари ҳуқуқий экспертиза тўғрисида тегишли хулосада акс эттирилади. Адлия органи лойиҳада гендер тенглиги тамойилларига мос келмайдиган нормалар мавжудлиги ва лойиҳани қайта ишлаш бўйича таклифлар мавжудлиги тўғрисида асосланган нормалар маълумотларни тақдим этиши ёки бундай нормалар йўқлигини кўрсатиб ўтиши керак. 	Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси регламентлари ва бошқа тегишли НХХда белгиланган муддатларда

**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг гендер-ҳуқуқий экспертизаси
ХУЛОСАСИ**

_____ -сон

1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат тури

2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг номи ва реквизитлари

3. Гендер-ҳуқуқий экспертизаўтказувчи давлат органи

4. Гендер-ҳуқуқий экспертиза учун асослар

5. НХҲда белгиланган гендер тенглиги тамойилларига мос келмайдиган нормалар ва қоидалар, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар

Раҳбар

20__ йил

«__» _____

_____ (имзо)